


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Француз тили ва адабиёти кафедраси

4-боскич 401 гуруҳ талабаси Дилноза Шамсутдинованинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: ФРАНЦУЗ ТИЛИ ОРФОГРАФИЯСИНИ ЎҚИТИШ
МУАММОЛАРИ.



Андижон-2013

РЕЖА

КИРИШ	3-7
I БОБ. ФРАНЦУЗ ТИЛИ ОРФОГРАФИЯСИ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ	8
1.1. Француз тилидаги ҳарф ва товушлар ва орфографик белгилар ҳақида умумий тушунча	8-11
1.2. Орфографияни ўрганишда ёзув ва ёзма нутқнинг аҳамияти.....	12-19
1.3. Француз атоқли отларининг ёзилиш ва ўқилиш қоидалари.....	19-21
1.4. Француз атоқли отларининг ва географик номларнинг ёзилиш қоидалари.....	22-25
1.5 Француз тили матнларида бошқа тиллардан ўзлаштирилган атоқли отларнинг ўзбек тилида берилиши.....	25-26
1.6. Рус тилидаги атоқли отларнинг французча ёзилиши.....	26-27
II БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ МАЛАКАЛАРИНИ ЎСТИРИШ	28
2.1. Ёзув нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида.....	28-30
2.2. Ёзувнинг тилшунослик ва руҳшунослик масалалари.....	30-34
2.3. Ёзиш техникаси ва ёзма нутқни ўргатиш.....	34-36
2.4. Ёзувни ўргатиш машқлари.....	36-39
III БОБ. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА ОРФОГРАФИЯНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ	40-42
3.1. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва шева хусусиятлари.....	42-45
3.2. Диалектал хатолар классификацияси.....	45-50
3.3. Унли товушлардаги диалектал хатолар устида ишлаш.....	50-54
3.4. Ундошлардаги диалектал хатолар устида ишлаш.....	54-57
3.5. Диалектал морфологик хатолар устида ишлаш.....	57-61

3.6. Диалектизмларни бартараф қилишда орфографик машқлардан фойдаланиш.....	62-67
ХУЛОСА.....	68-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзининг буюк келажагини ижтимоий йўналишидаги бозор иқтисодиётига асосан очиқ демократик давлат барпо этишдан иборат, деб қатъий қарор қабул қилган халқимиз бугунги кунда ўз маданияти ва анъаналарини, дини ва эътиқодини, она тили ва қадимий маданиятини қайта тиклаб эгалламоқда. Тўғри йўлни танлаганимиз, ислохотларнинг асосий тамойилларини тўғри белгилаб олганимиз, янгиланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўқис оқламоқда. [Каримов И.А., 2008,47]

Бу барча янгиланишларнинг тамал тоши таълим тизимидир.

Таълим доимо ижодкорлик, янгилик, интилиш, фидойиликни талаб қилади.

Таълим мазмунини чуқурлаштириш, таълимнинг амалий тамойилларини такомиллаштириш, таълим жараёнларини интенсивлаштириш, таълим технологияларини мукамаллаштириш таълим ва тарбиянинг бирлигини кучайтириш. хусусан таълим турининг мазмуни нафақат билим кўникма ва малака, балким умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи ижодий фаолият тажрибаси, атроф-мухитга нисбатан ижобий муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди. Бундай улкан вазифаларни амалга ошириш кўпгина омилларга боғлиқ. Уларни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўбга чиқариши мумкин.

- Фаолият турлари (моддий, амалий, ижтимоий, маънавий)
- Ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар)
- Ижтимоий муносабат тизими (моддий ва мафкуравий)
- Моддий, ижтимоий ва табиий борлиқ кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар

Таълим мазмуни, унинг компонентлари таркиби вазифалари ҳақида сўз кетганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билим методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таъкидланганидек “Замонавий иқтисодиёт, фан техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шarti“, -ҳисобланади. [Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. 1997, 17]. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболига мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилятига юксак умумий ва касбий маданиятга ижодий ва ижтимоий фаолиққа

ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодни шакллантиришни таъминлайди.

Хорижий тилларни ўрганиш чет тиллар ўқиш жараёнида янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш янги авлодни шакллантириш омилларидан ҳисобланади.

Чет тиллар ўқитиш жараёни, дидактик қонун-қоидаларни чет тили ўқитишига мослаб татбиқ этиш, “чет тил” ўқув предметини ўзига хос хусусиятлари ва бошқа шу каби масалалар лингводидактиканинг асосий таҳлил қилиши лозим бўлган масалаларидан ҳисобланади.

Лингводидактика чет тил ўқитишни ташкил қилиш, бунинг учун тил ва нутқ намуналарини фарқлашга эътибор бериш масалари ҳам ўрганилади. Чунки тилни фақат нутқ орқали ўрганиш мумкин. Тилда харфлар, товушлардан тортиб, то морфема, сўз, сўз бирикмалари, гап ва текстгача бўлган белгилар, нутқда эса шу белгиларни қўллаш, ўргатиш, оғзаки ва ёзма тарзда қўллай олишга ўргатиш масалалари билан шуғулланади.

Ҳозирга кунда чет тилида ёзма нутқни шакллантириш катта аҳамият касб этганлиги боис француз тили лингводидактикасини саводхонликка ўргатиш усулларини ўрганишга қизиқиш кучайган. Зеро ўқувчиларда ёзма нутқ малака ва кўникмаларини ўстириш уларнинг оғзаки нутқини ўстириш, чет тилида мустақил фикрлай олиш малакасини шакллантиради.

Илмий янгилиги ва эришилган натижалар.

Етакчи олимларнинг француз тили ўқитилишида орфографиянинг, ёзув ва ёзма нутқнинг тил ўрганилишига аҳамияти юзасидан билдирилган фикрларига таянган ҳолда ўрта мактаб француз тили дарсликларидаги ёзув ва ёзма нутқни ривожлантиришга йўналтирилган материаллар танланиб, таҳлил қилди.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари.

“Француз тили орфографиясини ўқитиш муаммолари” мавзусини тадқиқ қилишдан мақсад:

- ўқувчиларни француз тилида саводхонлигини ўстириш масаларини ўрганиш;

- француз тили орфографиясини ўргатиш усулари ҳақидаги йирик олимлар фикрларини ўрганиб, амалиётга татбиқ қилишни оммалаштириш.

Мавзу ўрганилишининг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мавзу ёритилишида куйидаги вазифаларни ёритишни белгилаб олдик:

- француз тилини чет тили сифатида ўргатиш жараёни мураккабликлари;
- француз тилида орфографиянинг тавсифи, саводхонликка ўргатиш технологияларининг хусусиятлари

Мавзунинг методологик асоси.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг таълим соҳасини ислох қилишга оид фикрлари акс эттирилган асарлари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва ҳукуматимизнинг таълим ислохотларини амалга ошириш борасидаги қарор ва фармойишларидан иборатдир.

Мавзунинг объекти ва предмети.

“Француз тили орфографиясини ўқитиш муаммолари” мавзусининг объекти сифатида умумтаълим мактабларида француз тилини ўргатиш жараёни танланди.

Мавзу ўрганилишининг предмети умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билимларини француз тили воситасида бойитиш ва мазкур тилда нутқий фаолият юритиш малакаларини шакллантиришнинг лингводидактик асосларини яратишдан иборат.

Мавзу ўрганилишининг тадқиқот методлари.

“Француз тили орфографиясини ўқитиш муаммолари” мавзу ўрганилишида педагогика, психология ва ўқув предметлар хусусий методикасида тан олинган методларнинг тадқиқот мақсадига мос келувчи жихатларидан фойдаланилди. Таълим - тарбия жараёнини кузатиш, соҳавий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

Мавзу ўрганилишининг амалий аҳамияти.

Мавзусининг амалий аҳамияти шундаки; Илгари чет тил ўқитилишида ёзув, ёзма нутқ қўшимча восита ҳисобланган, ёзувга ўргатиш ва ёзма нутқ машқларининг онгли равишда чет тили ўрганилишининг аҳамиятига эътибор берилмаган,

Натижада ёзма нутқ машқлари, уларнинг турлари ва қўллаш технологиялари камроқ ўрганилган ,

Мавзу ўрганилишида юқоридагиларга эътибор берилгани холда, француз тилида саводхонликка ўргатиш усулларидан намуналар берилади.

Ишнинг тажрибада синалганлиги.

“Француз тили орфографиясини ўқитиш муаммолари” мавзуси ёритилиш мобайнида ўрганилган орфографияни ўрганишга оид машқлар, уларнинг технологиялари педагогик амалиёт давомида француз тили дарсларида мен ва курсдошларим томонидан қўлланилди.

Ўзим шахсан Наманган вилояти, Наманган тумани 23-умумтаълим мактабида олиб борган педагогик амалиётим давомида 7-, -8, -9-синфлардаги француз тили дарсларида орфография масаласига оид машқлардан фойдаланиб, уларнинг ахамиятини амалда синаб кўрдим.

Малакавий ишнинг тузилиши.

“Француз тили орфографиясини ўқитиш муаммолари” мавзусидаги битирув малакавий иш кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат. Мавзунинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мавзунинг мақсад ва вазифалари, мавзунинг объекти ва предмети, мавзу ўрганилишининг тадқиқот методлари, мавзунинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги ва эришилган натижалар, мавзу ўрганилишининг амалий ахамияти ва мавзунинг апробация қилинганлиги масалаларига тўхталиб ўтилади.

Хулоса қисмида мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида билдирилган фикр ва мулохазалар баён қилинади.

Мавзу баёнининг нихоясида мавзу ўрганилиши модаида фойдаланилган адабиётлар рўйхати илова қилинган.

1 БОБ. Француз тили орфографияси тизимининг ўзига хос томонлари.

1.1. Француз тилидаги ҳарф ва товушлар ва орфографик белгилар ҳақида умумий тушунча.

Француз тили Франциянинг давлат ва миллий тилидир. Француз тили фламанд тили билан биргаликда Бельгиянинг ва итальян ҳамда немис тиллари билан Швейцариянинг ҳам давлат тилидир. Француз тилида Канаданинг бир қисми, яъни Квебек вилоятида ҳам сўзлашадилар. Шунингдек, француз тили Африканинг бир неча мамлакатларида ҳам тарқалган. Масалан: Ливия, Жазоир, Мавритания, Марокаш, Судан, Гвинея ва бошқалар.

Бизнинг мамлакатда ҳам француз тилини ўрганишга қизиқиш тобора ортмоқда. Маълумки, республикамиз мустақилликга эришгандан сўнг хорижий давлатлар билан турли соҳаларда алоқаси ривожланиб бормоқда. Табиийки, шу давлатлар тилини ўқиб ўрганиш давр тақозосидир.

Француз тили дунёда энг ривожланган тиллардан бири ҳисобланади. Бу гуруҳга испан, итальян, португал ва румин тиллари ҳам киради. Бу тилларнинг ҳаммаси эса лотин тилидан келиб чиққан бўлиб бу тилда қадимги римликлар сўзлашганлар.

Француз алфавити қуйидаги таблицада келтирилади.

АЛФАВИТ					
Босма ҳарфлар	Ёзма ҳарфлар	Ҳарфларнинг номи	Босма ҳарфлар	Ёзма ҳарфлар	Ҳарфларнинг номи
Aa	<i>Aa</i>	[a]	Nn	<i>Nn</i>	[ɛ n]
Bb	<i>Bb</i>	[be]	Oo	<i>Oo</i>	[o]
Cc	<i>Cc</i>	[se]	Pp	<i>Pp</i>	[pe]
Dd	<i>Dd</i>	[de]	Qq	<i>Qq</i>	[ky]
Ee	<i>Ee</i>	[œ]	Rr	<i>Rr</i>	[ɛ r]
Ff	<i>Ff</i>	[f]	Ss	<i>Ss</i>	[ɛ s]
Gg	<i>Gg</i>	[ʒ ɛ]	Tt	<i>Tt</i>	[te]
Hh	<i>Hh</i>	[a ʃ]	Uu	<i>Uu</i>	[y]
Ii	<i>Ii</i>	[i]	Vv	<i>Vv</i>	[ve]
Jj	<i>Jj</i>	[ʒ i]	Ww	<i>Ww</i>	[dublɔve]
Kk	<i>Kk</i>	[ka]	Xx	<i>Xx</i>	[iks]
Ll	<i>Ll</i>	[ɛ l]	Yy	<i>Yy</i>	[igrɛ k]
Mm	<i>Mm</i>	[ɛ m]	Zz	<i>Zz</i>	[zɛ d]

Француз тилида ҳарф ва товушлар.

Француз тилида ҳарфлар сони 26 та бўлиб, шулардан олтитаси унли ва йигирматаси ундош товушлардир. Товушлар сони 35 та. Демак, товушлар ҳарфлар сонига қараганда кўпроқ. Шунинг учун ҳам ҳарф ва товуш фарқини аниқ тасаввур қилиш керак. Чунки бир ҳарф турли товушни ифодалашди, бир товуш эса ёзувда турли ҳарфлар билан ифодаланиши мумкин. Бу – ҳарфларнинг бошқа ҳарфлар олдида қандай келишига ва қандай белгилар билан ифодаланишига боғлиқдир.

Унли ҳарфлар қуйидагилар: a, e, i, o, u, y.

Ундош ҳарфлар қуйидагилар: b, c, d, f, g, h, j, k, l, m, n, p, q, r, s, t, v, x, z, w.

Товушлардан 16 таси унли товушлар, улардан 4 таси бурун товушлари.

Улар, яъни товушлар тўғри талаффуз этилиши учун махсус фонетик белги-транскрипция билан ифодаланиб, қавс ичида берилади. Бурун товушлари қуйидагилар: [a], [э], [e], [бе].

Соф унли товушлар шундай товушларки, улар талаффуз қилинганда ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан чиқади. Бурун товушларида эса ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан ва бурун бўшлиғидан ўтади.

Қуйидагилар соф унли товушлар: [i, e, __, a, o, u, y, __, __, __, __].

Унлилар талаффуз пайтида тилнинг қайси қисми кўтарилишига қараб икки гуруҳга: олд қатор унлилар [i, e, __, a, y, __, oe, () __, __]

орқа қатор унлилар [a, __, o, и, __, __] га бўлинадилар. Унлилар талаффузи пайтида тил танглайга қаттиқ кўтарилса ёпиқ унлилар бўлади. Улар қуйидагилар: [i, e, o, и, y, __]. Унлилар талаффузида тил танглайга бўшроқ кўтарилса очик унлилар бўладилар. Улар қуйидагилар: [a, __, __, __ (), __, __, __].

Француз тили унли товушлари доим аниқ ва равон талаффуз қилинади. Фақат, “e” caduc – кучсиз ўқиладиган “e” ҳарфи бундан мустасно. Унлилар қисқа ва чўзиқ талаффуз қилинадилар. Урғусиз бўғинда ва сўз охирида қисқа, урғули бўғинда [r], [z], [v], ундошлар ва [vr] гуруҳи олдида чўзиқ талаффуз қилинадилар.

Унлилардаги чўзиқлик белгиси транскрипцияда [:] белги билан ифодаланади.

Унлилардаги тарихий чўзиқлик ҳодисаси ҳам мавжуд бўлиб, у [__, __, __, __] бурун товушларида [a], ёпиқ [o], __] белгиси билан қўлланувчи [a, o, e...] каби унлиларда ва баъзан [] унлисида ҳам қўлланади.

Ундош ҳарф ва товушлар.

Юқорида француз тилида 20 та ундош ҳарф бор деб айтиб ўтдик. Ушбу 20 та ҳарф 20 та ундош товушни ифода этади. [p, b, t, d, k, g, s, z, f, v, m, n, l, r,] Улардан 3 таси ярим ундош ва ярим унлидир. [y, w, j].

Ундошлар талаффузи пайтида ҳаво оҳимининг тўсиқдан ўтишига кўра:
портловчи ундошлар: [p, b, t, d, k, g, m, n, ___]

сирғалувчи ундошлар: [f, v, s, z, l, r, j, w, ___, ___, ___] бўладилар.

Товуш пайчаларининг иштирокига кўра ундошлар жарангли, жарангсиз ва сонор ундошлар бўладилар.

Жарангли: [b, d, g, v, z, ___]

Жарангсиз: [p, t, k, s, f, ___]

Сонор: [m, n, l, r, j, w, ___],

Француз ундош товушлари аниқ талаффуз қилиниб, сўз охиридаги жарангли ундошлар жарангсизлашмайди. Маълумки, ўзбек тилида бундай ҳолат кузатилади:

сотиб олмоқ – сотип олмоқ

юбориб келмоқ – борип келмоқ

озод бўлмоқ – озот бўлмоқ

тикансиз гул – тикансис гул

Баъзи ундош товушлар алифбода ўз аксларини топмаган бўлсалар ҳам ёзувда улар ҳарф бирикмалари орқали ифодаланадилар. Масалан: ch – [ʃ], gn – [ɲ], oeu – [œ], ou – [u]

Баъзан битта товуш сўзнинг қандайлиги ва қайси ўринда келишига қараб бир неча ҳарф орқали ифодаланиши мумкин. Масалан: [a] – ai, ei; [k] – qu; [o] – au, eau; [f] – ph; [ʃ] – ch

Аксинча, бир неча хил товушни сўздаги ўрнига қараб биттагина ҳарф бериш мумкин.

Орфографик белгилар асосан унлилар талаффузини фарқлаш учун қўлланади:			
белгилар	номлари	қўлланишлар	мисоллар
´	accent aigu [aksãte -gy]	é	réaction, région
˘	accent grave [aksã- gra:v]	è	atmosphère, kilomètre
ˆ	accent circonflexe [aksã-sirko-fle- ks]	à, ù â, ê, ô, ð, û	à, où grâce à, tête, être, tôt, côte, île, mûrir
¨	tréma	ï	Navoï, Zaïre
'	apostrophe	l', n' qu', c, s'	l'université, ce n'est pas qu'il parle, c'est moi, s'il vient
¸	cédille	ç	leçon, français, il reçoit

1.2. Орфографияни ўрганишда ёзув ва ёзма нутқнинг аҳамияти.

Хозирги даврда ўрта мактаб ўқув режаларида ёзув ва ёзма нутққа алоҳида эътибор берилмоқда. Ёзув нутқ фаолиятининг бир туридир. Ёзув чет тилига ўргатишнинг энг муҳим воситалари ва амалий мақсадларидан биридир.

Ўрта умумтаълим мактабларининг вазифаси ўқувчиларни ёзувга ва қисман ёзма нутққа ўргатишдир.

Орфография грекча сўздан олинган бўлиб сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар, имло маъносини англатади. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Рус тили” нашриёти, М., 1981. б. 544].

Ўрта мактаб битирувчиси француз тили алфавитидан тўғри фойдалана олиш, ўтилган тематикага оид бўлган ўзининг ва оғзаки шаклдаги бировларнинг ахборотини ёзма тарзда баён қила олиш, зарур бўлса тематикага оид бўлган расмларни ёзма тасвирлай олиши керак. Бу малакалар синфдан - синфга такомиллаштириб борилади. Методист Г.К.Левицкаянинг фикрига кўра ёзув 2 асосий қисмдан иборат.

1. Ёзув. Айрим сўзларни ёзиб олиш учун тилнинг орфографик тизимларини билиш: буни биз методик адабиётда ёзув деб атаймиз.

2. Ёзма нутқ. Фикрни ўзаро муносабат талабларига мувофиқ равишда ифода этиш учун бу сўзларни ёзма шаклда бир - бирига боғлаш: буни биз ёзма нутқ деб атаймиз.

Тилнинг график тизими график бирликлар графемалардан иборат.

Графема дейилганда маълум шаклга эга бўлган харф, харф бирикмалари, орфографик белгилар (опостроф - тутқи, дефиз, вергул) тушинилади.

Биз ёзувни ўргатишда икки хил малакани шаклланишига эътибор берамиз деб ёзади методист А.А.Мироллюбов

1. Айрим сўзларни ёзиб олиш учун тилнинг гарфик ва орфографик тизимларини билиб олиш малакаси - бу малака методик адабиётда ёзув малакаси деб аталади.

2. Фикрни ўзаро муносабат талабларига мувофиқ равишда ифода этиш учун сўзларни ёзма шаклда бир - бирига боғлай олиш малакаси - бу малакани биз ёзма нутқ малакаси деб атаймиз.

Графика у ёки бу ёзув белгисининг умуман қўллаш имкониятларини ўрганади.

Орфография имло қоидаларини ўрганади.

Ёзув ва ёзма нутқ соҳасидаги малакалар ўқитишнинг барча поғоналарида мунтазам суратда сингдирилиб борилади. Бироқ ёзма ва ёзув нутқининг салмоғи ҳамма босқичида ҳам бир хил эмас.

Масалан :

а) бошланғич босқичда асосий эътибор товуш - харф муносабатига ва хуснихатга қаратилади.

б) ўрта босқичда асосий эътибор ёзма нутққа қаратилади.

в) юқори босқичда бу малакалар такомиллаштирилади.

Бир гуруҳ илмий ходимлар томонидан француз тили алфавитидаги бош харфларнинг ёзма тасвирлари соддалаштирилди ва мактаблар учун тавсия этилди.

Ёзув. Ёзувга ўргатишда товуш – харф муносабати, хуснихат, орфография устида ишлаш одатда, биргаликда олиб борилади. Ўрта мактабда ёзувни ўргатиш товуш - харф нисбатидан бошланади.

а) Товуш - харф нисбати.

Француз тилида товуш - харфлар мувофиқлигида фарқлар бор.

1. Товуш ва харф ўртасида миқдорий мослик йўқ: битта товушга харф бирикмалари тўғри келади.

2. Айрим харфларнинг турли хил (полисемия) ўқилиши.

3. Синонимик харф белгиларининг мавжудлиги.

4. Баъзи бир харфларнинг сўз ўртасида ва охирида ўқилмаслиги.

Буларнинг ҳаммаси ёзувга ўрганишда катта қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликлар яна шу билан чуқурлашадики, кўпинча ўқувчиларнинг она тилида босма ёки ёзма харфлар чет тили (француз тили) алфавитидаги харфларга ўхшаш бўлиб, улар мутлоқо бошқача талаффуз қилинади. Бу қийинчиликлар фақат кўплаб машқлар бажариш асосида бартараф этилади.

Товуш харф нисбати бўйича тез-тез товуш харф тахлили ўтказиб турилса яна ҳам яхши бўлиш мумкин.

Хар бир харфнинг бош ва кичик ёзма шакллари ўзгартиришга ўқитувчи алоҳида эътибор бериш керак. R r, M m, T t, F f, D d, I i

Чет тили хусниҳатига ўргатиш бошланғич мактабда она тили ёзувига ўргатиш жараёнида ортирилган тажрибага асосланади. Одатда, чет тили ўқитувчиси ёзувни ўргатиш вақтида тўғри ўтириш, қўл, бармоқлар ва панжалар қандай ҳолатда бўлишига, дафтар ва бошқа нарсалар ҳолатига тўхталиб ўтирмайди. Шу билан бирга она тили ва чет тили учун умумий бўлган харфларнинг ёзилиши пухта ўзлаштирилган бўлади ва хусниҳат жихатидан ҳеч қандай мураккаблик йўқолмайди.

Она тили муҳим ёрдам кўрсатиш билан бирга, кўпинча айна бир вақтда чет тилидан хусниҳат малакасини ҳосил қилишни орқага суриши ҳам ҳолатда сезидиши мумкин.

1. Чет тили хусниҳатининг характери она тили хусниҳати характеридан фарқ қилганда;

2. Чет тилида ўзининг тасвири жихатидан она тили харфларидан фарқ қиладиган, аммо уларга ўхшаш қатор элементларга эга харфлар бўлганда;

Харфларнинг тушунтириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ёзма харфни алоҳида намоёиш қилиш.

2. Унинг айрим элементларини намоёиш қилиш.

3. Керак бўлиб қолганда тушунтирилаётган харфнинг айрим элементлари билан она тилидаги ёки илгари ўзлаштирилган чет тилидаги харфларнинг элементлари ўртасилдаги фарқни тушунтириш.

4. Мазкур харфни ёзишда қўлнинг ҳаракати, йўналишини намоёиш қилиш.

5. Мазкур харфни ўзидан олдин келган ёки кейин келувчи харфлар билан боғлаш усулларини кўрсатиш.

6. Ёзма равишда ёзилаган сўзлардаги харфларни намоёиш қилиш.

Чет тили харфларини ўзлаштириш синфда ва уйда бажариладиган машқларни бажариш жараёнида юз беради.

Ҳар бир чет тили ўқитувчиси чет тили ўқув предмети учун ажратилган шарт - шароитни ҳам яхши билиши керак.

в) Орфография.

Ўрта мактаб ўқувчилари чет тили орфографияст соҳасида маълум даражада билим ва мвлакага эга бўлишлари керак. Француз тили орфографияси 4 асосий принципга таянади.

1. Фонетик принцип. Бунда сўзнинг ёзилиши унинг товушига ва мазкур тилнинг график қоидаларига мос бўлади.

2. Морфологик принцип. Бунинг маъноси шуки сўзнинг ҳар бир маъноли қисми - олд қўшимча бўлишидан қатий назар, ҳамма вақт бир хил ёзилади.

3. Анъанавий (тарихий) принцип. Бу принципга амал қиладиган сўзларнинг ёзилиши ҳозирги замон морфологик ва фонетик фактларга тўғри келмайди. Фақат сўзнинг тарихий ривожланиши билангина боғлиқ.

Орфографиянинг мураккаблиги унинг қайси принципга таянишига боғлиқ.: Фонетик принцип устунлик қилган орфография оддийроқ бўлади; Анъанавий принципга асосланган эса мураккаброқ бўлади. Француз тилида морфологик принцип устун. Шунинг учун асосий эътибор сўзнинг морфемалари устида ишлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўқувчилар тилни ўрганиш жараёнида орфографик хатоларга йўл қўйишади. Бизнинг фикримизча, сўзнинг товуш составини бузмайдиган нотўғри ёзувларни хақиқий орфографик хатолар дейиш мумкин.

Ўқувчи график хатога ҳам йўл қўйиши мумкин. Бу хато бир товуш бошқа бир товуш билан алмаштириб ёзганда содир бўлиши мумкин.

Хатоларни бартараф қилишда кўрғазмалилик катта ёрдам беради. Буларга индивидуал карточкалар (сўзларни ёзиш учун), кесма, алифбе, жадваллар, илинадиган орфографик луғатлар ва бошқалар.

Ёзма нутқ. Ёзма нутққа ўргатиш жуда мураккаб жараён. Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакларини ўстириш анча қийинчилик амалга оширилади.

Ёзма нутқни амалга оширишда барча сезги органлари иштирок этади.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ўсишига чет тили ўқув предмети учун ажратилган шарт - шароит ҳам тўсиқ бўлиши мумкин - (чет тилига ўрта мактабда жуда оз дарс соатлари ажратилган).

Оғзаки нутқда тингловчи доимо стимул (туртки) бериб ёки назорат қилиб турса, ёзма нутқда бу хатолар бўлмайди.

Ўқувчи нимани ёзиш кераклигини олдиндан тасаввур қила билиши керак. Бу ўзига хос малака ҳам ўқитиш жараёнида аста - секин ўқитувчи раҳбарлигида шаклланади.

Чет тили программалари талабига мувофиқ V синф ўқувчилари ўтилган тематикага оид бўлган айрим фикрларни ўрганилган сўзлар ёрдамида ёза олишлари зарур. (Тахминан 2-3 жумла)

VI синф ўқувчилари ўзларининг монологик ахборотларини 4-5 жумла ёрдамида ёза олишлари зарур.

VII синф ўқувчилари ўзларининг ахборотларини ёзма шаклда баён қилишлари учун зарур бўлаг жумлалар миқдорини 5 тадан ортиқ бўлиши даркор ва хоказо.

Бунинг учун ўқувчи сўз танлай билиши ва улардан жумлалар тузишда фойдалана олиши керак. Бунда фикрни ёзишдан аввал нимани ёзиш кераклигини олдиндан тасаввур қилиш асосий характерлантирувчи куч ҳисобланади.

Қуйида француз атоқли отларининг ёзилиш ва ўқилиш қоидалари таблицаси ва мисоллар илова қилинади:

Французча ёзилиши	Ўзбекча ёзилиши	Мисоллар	
		Французча ёзилиши	Ўзбекча ёзилиши
1	2	3	4
a, а, а	а	Racine, Chatelet	Расин, Шатле
ai	е, э	Verlaine, Roubaix	Верлен, Рубэ
ain	ен, эн	Toussaint	Туссен

am	ан, ам	Champfleury	Шанфлери
ап	ан	Champagne	Шампань
au	о	Nantes	Найт
ay	э, е	Vaucluse	Воклюз
		Нперnay Du Bel lay	Эперне
b	б	Barbhon	Дюбелле
c	к, с	Cachin, Nancy	Барбизон
ç	с	Besançon	Кашей, Нанси
ch	ш	Foch	Безансон
d	д	David	Фощ
e, è, e, e «е»	е, э	Fenelon, Epinal	Давид
caduc		Vаш elaire	Фенелон, Эпиналь
eau	о	Rameau	Бодлер
ei	е, э	Seine	Рамо
em	ан, ам	Rubempre	Сена
en	ан	Rouen	Рюбампре
eu	ë, е	Feuillet	Руан
ey	е, э, ей	Ney	Фёйе
f	ф	La Fontaine	Ней
g	г, ж	Aragon, Bourget	Лафонтен
gn	нь	Montaigne	Арагон, Бурже
gu	г	Guizot	Монтень
h	—	Heredia	Гизо
i, t	и	Lille	Эгедиа
i1. ill	й	Raspail, Villon	Лилль
im	ем, эм	Rimbaud	Распай, Вийон
in	ен, эн	Rodin	Рембо
i	ж	Jomini	Роден
l	л, ль	Laplace, Tulle	Жомини
m	м	Lamartine	Лаплас, Тюль
n	н	Nancy	Ламартин
			Нанси

t			
----------	--	--	--

1.3. Француз атоқли отларининг ёзилиши ва ўқилиши қоидалари.

1. Икки сўздан таркиб топган атоқли отлар ва номланишлардаги ёзув кўриниши талаффуз пайтида ҳам сақланиб қолади.

Мисол учун:

Descartes Декарт эмас Дескарт деб ўқилади.

Montfaucon Монфокон эмас Монтфокон деб ўқилади.

Port-Vendre Пор-Вандр деб ўқилади.

Сўзнинг иккинчи қисми унли билан бошланган бўлса, биринчи қисмининг охириги харфи талаффуз қилинади.

Montauban (Mont+auban) Монтобан

2. Атоқли отларнинг охирида келадиган (г, s, st, t, z) каби ундош ҳарфлар сўз охирида ўқилади.

-es Jaures Жорес

-ez Thorez Торез

Қуйида берилган -as, -us, -os, -is, -at, -it, -st, -er -as қўшимчалари билан тугаган атоқли отларни талаффуз қилишда қўлланма ва луғатларга мурожат қилинади.

-as Barras Баррас;

-st Marrast Марраст,

-er Quimper Кемпер каби сўзларда охирги ҳарфлар талаффуз этилади.

Thomas Тома

Prevost Прево

Poitiers Пуатье каби сўзларда охирги ҳарфлар талаффуз этилмайди.

3. «S» ҳарфи бошқа ундошлар (t, l, n, m, d) олдида келиб француз атоқли отларини ифодалаган пайтда талаффуз этилмайди.

Duchesne Дюшен, Guesde Гед

4. «L» ҳарфи au, ou, t, d ҳарф ҳарф бирикмалари ўртасида ўқилмайди.

La Rochefoucauld Ларошфуко, Renault Рено

5. Бир неча отларда келадиган «v» дан олдин талаффуз этилмайдиган «б» ҳарфи келади:
Lefebvre Лефевр, Fabvier Фавье

6. «У» ау, еу, оу, уу ҳарф бирикмаларида сўз охирида ёки ундош олдида келганда битта «i» тарзида ўқилади. Шунинг учун бу ҳолатда юқоридаги ҳарф бирикмалари «е» («э»), «уа», «юи» тарзида ўқилади.

Du Bellay Дюбелле,

Duportren Дюпюитрен.

7. Француз тилидаги «ау» баъзида «оу» ҳарф бирикмалари «ай», «ой» деб талаффуз этилади.

Bayonne Байонна,

Bayard Байар.

8. Баъзида «еп» сўз бирикмаси иштирок этган атоқли отларда ушбу сўз бирикмаси бурун товуши ифода этмасдан «эн» деб талаффуз этилади.

Mendès Мандес эмас Мендес деб ўқилади.

9. Немис (эльзас), фламанд, провансаль тилларидан ўзлаштирилган француз отларини талаффуз қилишда бир мунча қийинчиликлар бор.

Эльзас ва фламанд отларидаги «ch» ҳарф бирикмаси «к» деб талаффуз қилинади.

Vloch Блок, Блош

10. Очик ва ёпик (é, è, ê, ai). Сўз бошида ва ундошлардан кейин «е» ёки «э» ҳарфи тарзида ёзилади.

Emile Эмиль, Douaix Дуэ, Taine Тэн, Ерегнау Эперне, Abelard Абеляр.

11. «E» Сўзда ёзилсада талаффуз этилмайди.

Abbeville Абвиль Fontainebleau Фонтенбло

12. Очик ва ёпик «Eu (oeu)» ёзувда «é» ифода этилади.

Eure Эр, Montesquieu Монтескье

Баъзида «eu» товуши ундош ёки «й» ҳарфидан кейин «ё» ҳарфи ёзилади.

Deux-Sevres Дё-Севр, Вауеих Байё

13. «Oin» ёзувда «уэн» деб ифода этилади.

Tourcoing Туркуэн

Баъзи номланишларда «уан» тарзида ифода этилади.

Poincare Пуанкаре

14. «ll, il» ҳарф бирикмалари «л», «йл», «й» тарзида ёзилади.

Marseille Марсел, Due de Noailles Герцог де Ноайл

Vaillant-Couturier Вайян-Кутюрье, Argenteuil Аржантей

15. Ўзлаштирилган сўзларда «н» ҳарфи «г» тарзида ёзилади.

Hugo Гюго, le Havre Гавр

1.4. Француз атоқли отларининг ва географик номларнинг ёзилиш қоидалари.

Бош ҳарф, ажратиш белгиси (апостроф), қисқача чизик (дефис) қўлланилиши.

1. Француз тилида фамилияни билдирувчи атоқли отлар ҳам предлоглар ҳам бош ҳарф билан алоҳида-алоҳида ёзилади. Ўзбек тилида эса қўшиб ёзилади.

La Fontaine Лафонтен, Le Sage Лесаж, Du Guesclin Дюгеклен

2. Географик номларда атоқли отларни ифода этишда артикл билан от олдида чизикча қўйилади:

Le Creusot Ле-Крёзо

La Manche Ла-Манш

3. Географик номларни ифода этишда артикл, предлог ва боғловчилар ишлатилганда чизикча қўйилади:

Bar-le Due Бар-ле-Дюк

Pic du Midi de Bigorre Пик-дю-Миди-де-Бигор

Clichy-sous-Bois Клиши-су-Буа

Castillon-et-Capitourlan Кастийон-э-Капитурлан

4. Тутук (апостроф) белгиси ёзувда сақланиб қолинади:

L'Isle-Adam Л'Иль-Адан

Fort-l'Ecluse Фор-л'Экюз

5. Боғланиш билан ёзилган талаффуз қилинганда қуйидагича ифодаланади:

Forges-les-Eaux Форж-лез-О

1. Географик номлар.

1) атоқли отларни ифодаловчи географик номлар (Mont, Port, Fort, Mer, Saint, etc.) одатда таржима қилинмайди. Масалан:

Mont-Blanc Монблан

Fort-Mahon Фор-Маон

Бошқа ҳолатларда таржима қилинмай француз тилида қандай талаффуз этилса, ёзувда шундай ифодаланади:

Bouches-du-Rhone Буш-дю-Рон

Cote-d'Or Кот-д'Ор

Nord Нор

5) Франция географик номларини ўзбек тилида ёзилганда француз тилида талаффуз этилган ҳолат сақланиб қолмайди. Шаҳарлар номи қуйидагича талаффуз этилади: Париж, Реймс, Мец, Гавр, Версаль, Марсель.

Женский родда ифодаланган қуйидаги шаҳар номларини талаффуз этилганда ва ёзилганда шаҳар номлари охирида «а» ҳарфи қўйилади: Тулуза, Байонна. Рейн, Эльзас, Лотарингия, Вогези номлари немисча, Савойя, Ницца, Корсика, Аяччо номлари италянча талаффузга яқин ифода этилади.

2. Кўча, майдон, шаҳардаги диққатга сазовор машҳур жойлар одатда таржима қилинади:

Les Champs-Élysées Елисей майдони

Boulevard Sebastopol Севастопол бульвари

Place de la Concorde Аҳдлашув майдони

Bois de Boulogne Булон ўрмони

Notre-Dame de Paris Париж Ибодатхонаси

Pont-Neuf Янги кўприк

Баъзида «Нотр-Дам» ва «Пон-Нўф» деб айтилиши ҳам мумкин.

3. Газета, идора ва жамоат ташкилотлари номларининг ёзилиши.

1) Вақтли нашрлар (газеталар) номлари таржима қилинмайди, таржима берилганда артикл ёзилмайди.

«L'Humanite» «Юманите»

«La Marseillaise » «Марсейез»

2) ташкилот номлари ёзилади ёки таржима қилинади:

«La Banque de Paris et des

«Париж-Нидерланд банки»

Pays-Bas»

«Банк де Пари э де Пеи-Ба»

3) сиёсий партиялар партиялар ва баъзи ташкилотлар номлари ёзувда қуйидагича ифода этилади:

La Confédération Generale

Умумий Меҳнат Конфедерацияси

Du Travail

Le Mouvement Républicain Po-

Республика халқ ҳаракати

pulaire

4. Исм номлари (répnooms) ёзувда қуйидагича ифода этилади:

Gustave Гюстав

Густав

Robert Робер

Робер

Аёллар исмлари сўз охирида «а» ҳарфини талаб қилади:

Marguerite

Маргарита

Isabelle

Изабелла

Марион, Сюзон, Мадлон, Сесиль, Николь, Элен, Ирен, Мадлен, Мари, Софи, Люси, Констанс, Эстер, Солапж каби исмлар номлари француз тилида қандай талаффуз қилинса шундай ёзилади.

1.5. Француз тили матнларида бошқа тиллардан ўзлаштирилган атоқли отларнинг ўзбек тилида берилиши.

Француз тили матнларида учрайдиган Франциядан ташқарида жойлашган французча бўлмаган атоқли отлар қуйидагича ифода этилади. Италияча номлар Veronese, Titien, Venise, Plaisance, Rome номлари ўзбекчада қуйидагича ёзилади: Веронезе, Тициан, Венеция, Пьяченца, Рим.

Немисча номлар Baviere, Bade, Foret-Noire, Rhenanie, Aix-la-Chapelle, Treve ўзбекчада қуйидагича ёзилади: Бавария, Баден, Шварцвальд, Рейн вилояти, Аахен, Трир.

Бельгия ва Швейцариядаги географик номлар қуйидагича ифода этилади.

Бельгия–икки тилли давлат, валлон ахолиси (француз тилида сўзлашадилар), фламандлар (голланд тилига яқин сўзлашадилар). Шунинг учун бельгияча географик номлар икки шаклга эга: француз ва фламанд:

Liège – Luik, Malines – Mecheln, Anvers – Antwerpen, Gand – Gent

Жанубий бельгия (валлон) номлари хозирги кунда француз варианты бўйича ёзилади Льеж, Малин. Шимолий бельгия (фламанд) номлари фламанд манбаси бўйича ёзилади. Антверпен, Гент.

1.6. Рус тилидаги атоқли отларнинг французча ёзилиши.

Рус тилидаги атоқли отлар ва географик номлар қандай ёзилса ва ўқилса, француз тилида ҳам шундай ёзилади ва талаффуз қилинади.

а – а. Казань Kazan

б – Ь. Витебск Vitebsk

в – v. Павлов Pavlov

г – g, gu. Гоголь Gogol; Герасимов Guerassimov

д – d. Новгород Novgorod

е, э – e. Евсеев Evseev.

Француз тилида accent aigu таниқли номлар ва фамилияларда албатта қўйилади: Ouzbékistan. Bérézina. Бошқа ҳолатларда accent aigu қўйилиши ҳам қўйиомаслиги ҳам мумкин: Pétoukhov ва Petoukhov; Evgueni ва Evguéni.

ё – e. Орёл Orel. Баъзида – io: Пётр Piotr

з – z.

ж – j. Запорожье Zaporojié

и – i. Киев Kiev

й – i. Толстой Tolstoï. «и» дан кейин i ёзилмайди: Чайковский Tchaikovski

к – k.

л – l. Калуга Kalouga

м – ш. Тамбов Tambov

н – n. Смоленск Smolensk.

о – o.

п – p. Полтава Poltava

р – r. Репин Répine

с – ss. (икки унли ўртасида); s (бошқа ҳолатларда): Сусанин Soussanine

т – t. Томск Tomsk

у – ou.

ф –f. Уфа Oufa

х – kh. Харьков Kharkov

ц – ts. Винница Vinnitsa

ч – tch. Чернигов Tchernigov

ш – ch. Пушкин Pouchkine

Ўзбек тилидаги ь – юмшатиш белгиси француз тилида ёзилмайди.
Рязань Riazan.

ю – you (сўз бошида). Юрий Youri.

ю – iou (сўз ўртасида). Бирюзов Biriouzov

ia (ундошдан кейин) Хачатурян Khatchatourian;

ia (унлидан кейин) Красноярск Krasnoïarsk деб ёзилади.

II БОБ. Ўқувчиларда ёзувни ўргатиш малакаларини ўстириш

2.1. Ёзув нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида.

Мактабда ўрганиладиган чет тилдаги нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш) дан ёзувнинг фарқи, унинг тил ўрганишда тутган мавқеи бўлиб, у ўқитиш мақсади мақомига эга эмас, балки таълим воситасидир.

Барча нутқ фаолияти турлари ва нутқий малакалар қаторида тенг ҳуқуқли бўлган «ёзув» тушунчаси қамровини ташкил этадиган семантик доирасини очиб берамиз. Аввалан, «ёзмок» (туркийча ўзак)дан олинган «ёзув», «ёзиш», «ёзма» атамалари изоҳ талаб қилади. Иккинчи тоифада «ёзма нутқ», «ёзма мулоқот», «ёзиш техникаси», «ёзма машқ», «ёзма иш», «ёзув кўникмаси/малакаси» ва юнонча («ёзув-чизув»ни ифодалайдиган, «графика», «графема», «каллиграфия», «орфография» ҳамда лотинча (dictare – ёзиш учун айтиш) «диктант», арабчадан кирган «баён», «иншо» сингари атамалар учрайди. Учинчи масала «харф» билан боғлиқ (харфий тимсол, харф бирикмаси, диграф, алфавит, алифбе каби) атамаларни акс эттиради.

Маълумки, ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш методикасига оид аксарият атамалар турли сабабларга кўра рус тилидаги адабий манбалардан ўзлаштирилган. Айни чоғда русча айрим атамаларнинг аслиятда чалкаш ҳолда шаклланганлигини биламиз. Масалан. письмо – 1) ёзув; 2) ёзма нутқ; 3) ёзиш; 4) хат, мактуб. Кўриниб турибдики, бир атама бир неча маънода қўлланади, шундай экан, ўзбекчага ҳам бу ҳол номаъқул таъсир қилган (полисемия табиий ҳодиса, лекин атама, одатда, бир маъноли бўлиши шарт).

Ёзувни ўргатишга доир рўйхатда қайд этилган атамаларни методика нуқтаи назаридан умумлаштириб таҳлил қиламиз. Чет тилда ёзув деганда, ушбу тил воситалари қўлланиб, ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади.

Ёзма нутқда қўлланадиган лисоний воситаларни, биринчидан, графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликлар ташкил этса, иккинчидан, уларнинг қўлланиши (ёзилиши) ёзма нутқнинг ёзиш техникаси саналадн. Демак, график воситалар ва уларнинг техникавий жараёни ҳақида сўз юритилди. Материал ва уни қўллаш тушунилмоқда. ёзиш техникасидан фойдаланиб, фикрни чет тилда ёзма баён этилса, ёзма мулоқот юз беради.

АҚШ чет тиллар ўқитиш методикасининг атоқли намоёндаларидан Ҳарвард университети профессори Уильга М.Риверс фикрича, саводли бўлиш – ўқиш ва ёзувни билиш, деган маънони англатади. Ўқиш ва ёзув ёзма нутқнинг икки «палласи» дир, биринчисида ёзилган материал ўқилади, иккинчисида эса одатда ўқишда

ўзлаштириладиган фикр ёзма изҳор этилади. Ахборотни ёзма баён этиш икки йўл билан рўёбга чиқарилади: чунончи (1) ўз фикрини ёзиш ва (2) айтиб (ўқиб) турилган ўзга шахс нутқини ёзувда ифодалаш. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ёзма матн яратилади.

«Ёзувни ўргатиш» атамаси икки тушунчани ифодалайди, яъни (1) ёзиш техникасини ва (2) ёзма нутқни (фикрни ёзма баён этишни) ўргатиш маъно-ларида келган. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-харф муносабати ва харфнинг маъно билдириш вазифаси), каллиграфия (хуснихат), орфография (имло) назарда тутилади. Ёзма нутқ атамаси эса график тарзда ифодаланган ахборот ва нутқ мулоқоти жараёни маъноларини қамраб олади.

Графика ўқиш ва ёзиш техникаси тушунчаларн билан чамбарчас боғлиқ. Ҳарф-товуш муносабати кўзда тутилади.

Хуснихат тушунчаси таркибига товуш ва товуш бирикмаларини ёзувда тасвирлайдиган ёзув-чизув воситалари мажмуаси (харфлар, харф бирикмалари, харф усти ва ости белгилари) киради. Имло – сўзларни (гапларни) ёзиш ва уларга доир қоидалар йиғиндисидир.

Хуснихат харф, харф бирикмаси, сўз асосида, имло эса морфема, сўз (гап) даражасида, ёзма нутқ эса гап, абзац ва боғланма матн материалида ўргатилади.

Ёзма нутқ бошқа репродуктив нутқ фаолияти тури гапириш заминиди, яъни унинг лисоний материали ва мавзулари доирасида шаклланади. Ёзма нутқ тегишли хусусий малакаларга асосланади. Ёзув (яъни ёзма нутқ) малакалари қуйидаги кўникмалардан ташкил топади: (1) хуснихат кўникмаси; (2) имло кўникмаси; (3) тузиш (ёзма фикр баён этиш мақсадида гапларни бириктириш) кўникмаси; (4) ёзувнинг лексик ва грамматик кўникмалари кабилар.

2.2. Ёзувнинг тилшунослик ва руҳшунослик масалалари.

Чет тил ўқитиш методикаси ёзув ҳақидаги маълумотларни яқин фанлар тўплаган илмий ютуқлардан ўрганайди ва амалда ижодий татбиқ этади. Тилшунослик тилни система мақомида, руҳшунослик уни фаолият ва малака сифатида текширади.

Тилшунослик тадқиқотларига биноан график тизимдаги белгилар турли информатив вазифаларни ўтайди. Бу тизимнинг энг кичик бирлиги – графемалар ва орфографик белги (апстрокф, дефис (чизикча), харф усти ва ости белгиси кабн) лардан иборат бўлиб, ёзма нутқнинг шаклий тарафини фарқлашга хизмат қилади. График

тизимнинг катта бирлиги – морфема ва лексема эса нутқий ҳосиланинг мазмун томонини ифодалашда иштирок этади. Графема қўлҳаракат механизми туфайли яратилади ва кўрув канали орқали идрок этилади. Нутқ оқимида графема ўрнига кўра (бош ва кичик ҳарфлар), ёнидати ҳарфлар билан муносабати туфайли (сўз боши ва ўртасида келиши), ёзилиш хусусиятига қараб (дастхат, босма ва машинка ёзуви ҳарфлари) ўзининг аллографлари (вариантлари) га эга бўладилар. Гра- фемаларнинг сифати жиҳатидан қуйидаги тоифалари мавжуд: (1) сигментга оид графема (ҳарф, ҳарф бирикмаси), (2) морфемали графема (ўзак, кўшимча, олд кўшимча, флексия), (3) чегарадаги графема (сўзнинг бирикиши оралиғида) ва (4) суперсегмент графема (тиниш белгилари) кабилар.

Ёзиш техникаси назарияда уч таркибли бўлгани билан, амалиётда улар яхлитлик касб этади. Муаллим уларнинг ҳар биридаги мавжуд қийинчиликларни тилшунослик маълумотлари ёрдамида билиб олади. Қийинчилик тафовут ҳосиласидир. (Хато эса қийинчилик оқибатидир.)

Товуш-ҳарф муносабати. Инглиз, испан, немис, француз тиллари товуш-ҳарф боғланиши ўқувчилар она тилисидагидан фарқ қилиши ҳолларига дуч келамиз:

(1) товуш билан ҳарф миқдорининг мос келмаслиги (чет тилда бир товушга иккита (диграф) ва уч (баъзан ундан ҳам кўп) ҳарф тўғри келади, она тилида, «нг»дан ташқари, бу ходиса йўқ);

(2) ҳарфнинг турлича ўқилиши. Чет тилдаги ундош (мас. «с») ўрнига қараб, ҳар хил товушни ифодалайди;

(3) ҳарфларнинг бир нечаси битта товушни ифодалаши (мас. [k] товушини с, к, q ҳарфлари орқали белгиланиши);

(4) баъзи ҳарфлар чет тилда ўқилмайди (шартли «соқов» ҳарф дейилади).

Товуш-ҳарф муносабати юзасидаи вужудга келадиган қийинчиликлар олдини олиш учун ўзига хос машқлар бажариш тавсия этилади.

Хуснихатни ўрганишда ўқувчилар она тилидаги тажрибаларидан самарали фойдаланишлари мумкин. Ўқувчи ёзиш чоғида тўғри ўтиришни, қўл, бармоқ ва тирсак ҳолатини, дафтарни қандай ушлаш кабиларни билади. Қатор ҳарфларнинг ёзилиши (мас. е, о, с кабилар) ўқувчиларга ҳеч қийинчилик туғдирмайди.

Ўқувчилар она тилисидаги ёзиш кўникмаси чет тил ўрганишда халақит бериши (интерференция) ҳам мумкин. Мас. босма ҳарф ўхшаш, унинг ёзма шакли кескин фарк қилади ёки қисман ўхшаш ҳарфлар, бутунлай тафовут қиладиган ҳарфлар ва ҳ. к. з.

Имлони ўргатиш учун муаллим унинг тилшуносликдаги маълум мезонларини билиши зарур.

(1) фонетик мезон: сўз ёзилиши ифодалаётган товушга мос келади (инг. pen; исп. pena; нем. kurz; фр. trou);

(2) морфологик мезон: фонетик ҳолатига қарамай сўзнинг маъно ифодаловчи қисми (олд қўшимча, ўзак, суффикс) ёзилишида ўзгаришсиз қолади (мас. нем. Hand сўзида охириги ҳарф [t] ўқилса-да, ёзилиши ўзгармайди);

(3) анъанавий (тарихий) мезон: фонетик ва морфологик имло қоида-сига бўйсунмайди, тарихан қабул қилинган тарзда ёзилаверади (ингл. door; нем. vier; фр. aube);

(4) иероглиф (идеография) мезони: айтилишда бир хил (омофон) сўзлар ёзилишда ўзгача қиёфага эга бўлади (инг. here – hear; нем. Saite – Seite; фр. tant – temps).

Имло мезонларига биноан ёзиш техникаси қийинчиликлари меъёри аниқланади. Фонетик имло осон ҳисобланади (кўпроқ испан тилида), қийинроғи анъанавий имлода ёзиш (инглиз ва француз тилларида). Морфема қисмларига эътибор бериладиган морфологик мезонга немис тили тўғри келади. Ёзув жараёнининг рухшуносликда таҳлил этиладиган хусусиятларидан муаллим хабардор бўлиши керак. Таълимий рухшунослик фанида маълумки, ёзув механизми ҳарфлардан сўз ҳосил қилиш ва улардан гап тузиш демакдир.

Рухшуносликдаги фаолият назарияси бўйича ёзув (гапиришга ўхшаб) фикрни шакллантириш ва ифодалаш усулидир. Бунда тил белгилари қўлланади. Улар бош мия қобиғида юз берадиган нерв боғланишларида тамғаланган тимсоллар тарзида «сақланади». Мазкур нутқ фаолияти турида кўрув ва қўлҳаракат тимсоллари эшитиш ва нутқҳаракатга оидлари билан биргаликда амал қилади. Кўрув-график ва қўлҳаракат тимсоллари мувозий тарзда ёзиш билан машғул қўлнинг ҳаракат механизми томонидан бошқарилади. Сўзнинг имловий тимсоли эса ёзаётган қўлнинг ҳаракат механизмида эмас, балки нутқий механизмида тамғаланади.

Ёзув, рухшунослар таъбирича, алфавитдаги ҳарфларнинг график жиҳатдан тўғри тасвирини (ҳарфий тимсолни) тушириш, яъни маъносини унинг товуш, график (ҳарфий)

ва ҳаракат тимсоллари билан фикран боғлаб, товуш ва товуш бирикмаларини ҳарф ва ҳарф бирикмаларига ўтказиш демакдир. Иккинчидан, сўз, сўз бирикмаси ва тиниш белгиларни имло жиҳатдан тўғри ёзиш лозим. Учинчидан, ёзма шаклда фикр изҳор қила олиш керак. Демак, ёзувни ўргатишда товуш, ҳарф, бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гап, абзац ва ёзма ахборот устида иш олиб борилади.

Иштирок этадиган ақлий операциялар миқдори жиҳатидан ёзув гапиришга иисбатан мураккаб нутқ фаолияти туридир. Ёзаётган шахс ўзининг ва бошқаларнинг фикрини ёзма баён этади.

Психолингвистика маълумотларида «код» атамаси ҳар қадамда учрайди. График кодни ишга туширишда қуйидаги операциялар амал қилади: (1) товушни тасаввур этиш (ўқувчи «ёдлаган материални ёзиш чоғида»), ёки товушни идрок этиш (айтиб туриб ёздириш пайтида), ёки товуш тасаввурига боғлиқ товуш идроки (китобдан матнни кўчиришда); (2) ушбу тасаввур ва идрок билан муайян графемалар боғланншнни ўргатиш; (3) ёзишда амалдаги ички нутқ билан боғланган ҳаракатни бажариш. Операцияларда иштирок қиладиган кўрув ва ҳаракат анализаторлари кўзга ташланиб турса, товуш ва эшитиш анализаторлари пинхоний ва кучсиз равишда амал қилади.

Ёзув мураккаб психофизиологик фаолият бўлиб, унда нутқ анализаторларининг ҳаммаси иштирок этади.

Гапириш механизмлари ёзувда ҳам амал қилади. Ёзувда маъно, товуш тимсоли ва ҳарфий тимсол ўзаро боғланади. Маълумки, маъно ва товуш тимсоли гапиришда амал қилади, ёзувда уларга ҳарфий тимсол қўшилади. График тимсол ўзлаштирила бориб, нутқ (яъни ёзув) кўрув анализатори назоратига ўтади (гапириш эса эшитиш анализаторига тобе бўлади). Ички нутқ тезлигидан ёзув суръати секинроқ кечади (гапиришда эса айни чоғда ички нутқ амал қилади).

Келтирилган илмий мулоҳазаларга асосланиб, аввал оғзаки, кейин ёзма нутқ ўргатилади. Гапиришда аудиотекст, ёзувда график текст яратилади.

2.3. Ёзиш техникаси ва ёзма нутқни ўргатиши.

Ўргатиш объекти қилиб, товуш-ҳарф муносабати, ҳарфлар, имло сингари тил ходисалари танланади, улар, таъкидлаб ўтилганидек, ёзувнинг техника жиҳатидир. Ёзиш техникаси (техникавий кўникмалар) асосида ёзма фикр баён этилади – нутқий малакалар ҳосил қилинади.

Мактабда ўргатиладиган Ғарбий Оврупо тиллари лотин графикасидан фойдаланади. Товуш-ҳарф муносабатларидаги қийинчилик даражасига қараб, уларни ёзувда (ва ўқишда) ўзлаштириш тартиботи белгиланади. Мас. товуш ва ҳарф мувофиқ келса ва она тили билан чалқаштириш кузатилмаса, эшитув-товуш идроки, кўрув тасаввури ва ёзиш амаллари орқали графика нисбатан осон ўрганилади. Бир товуш бир неча ҳарф орқали ифодаланиши ёки бир ҳарф бирдан ортиқ товушни билдириши мушкул вазият ҳисобланади: товуш-ҳарф ёки бўғин таҳлили ёрдамида ўргатишга мажбур бўламиз. Таҳ- лил, бу ўринда, чуқур назарий мулоҳазалар юритиш эмас, балки ушбу ҳодисага ҳос хусусиятни содда тилда айтишдир. Агар транскрипция (товушнинг ёзувдаги белгиси) киритилган бўлса, ундан меъёрида фойдаланиш мумкин. Ўқилиш қондасини намойиш этувчи мисоллари кифоя қилса, мавҳумот умумлаштирилади. Ҳарфларнинг алфавитдаги номи ўрганилиши сўзни оғзаки ҳарфлаб айтиш (инг. spelling, нем. buchstabieren, фр. épellation) машқини бажаришга замин тайёрлайди.

Бош ва кичик ҳарфларни чалқаштирмаслик мақсадида инглиз тили бўйича уларни замон ва маконда ажратиб ўргатиш тажрибаси ўзини оқлаган. Ёзма ва босма ҳарфлар эса дарсда мувозий тарзда берилади: Қиркма алфавитдан мўл фойдаланиш дастлабки босқичда самарали натижалар беради.

Ўқувчи тил тажрибасини ҳисобга олиб, чет тилда ҳуснихат ўргатилади. Ҳарфлар ёзилиши дарсликда кўрсатилган йўсинда ўрганилади. Қийин ўзлаштириладиган ҳарфларни синф доскаси ва ўқувчилар дафтарларида бўлиб-бўлиб ёзиб кўрсатилади. Кўргазмаларни қуролни намойиш этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Чиройли ва тўғри ёзишни муаллим амалда ёзиб кўрсат- гани маъқул. Бинобарин, ёзишни ўргатувчининг хаттотлик маҳорати, хатто санъати (мусулмон дунёсида тарқалган ижодий фаолият) юксак бўлмоғи керак.

Имлони ўрганиш янада муҳим ўқув вазифасидир. Оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларнинг ёзилиши орфографик (имло) минимумини ташкил этади. Фақат ўқиш ва тинглашдагина учрайдиган лексика имло минимумига қирмайди. Демак, мактабда ўрганилмиш барча лексик-грамматик ҳодисаларнинг орфограммалари (имло бирликлари) ни ёзиш шарт эмас, яъни имло минимумига риоя қилинади, холос. Орфографик ҳодисаларга оид қоидалар алоҳида эътибор талаб этади. Қоидалар моҳиятида, худди грамматика ва ўқиш техникасида бўлганидек, амалий йўналганлик мезони ҳукм суради. Қоидага тушмайдиган имло бирлиги (орфограмма) (мас. инг. eight, are, you қабилар) ни идеограмма (яҳлит бирлик) тарзида ёзилиши ўрганилади.

Орфографик бирликларнинг она тили ва чет тилда муқоясаси оқибатида ўқувчи учун осон/қийин имло бирликлари аниқланади, ҳар қайси бирликка оз-кўп вақт ва куч сарфланади ҳамда машқлар белгиланади.

Ёзма нутқни ўргатишда ёзув материали, ёзув таълим воситаси эканлиги, ёзма ишлар каби масалалар ҳал этилади. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган тил материали ва оғзаки нутқ мавзулари асосида ёзма фикр баён этишлари амалда татбиқ қилинган. Юқори синфлар тил материали ва ўқиш мавзуларини қўллаб ўқувчилар ёзма нутқ бажармайдилар. Ёзув тил материални пухта ўзлаштириш, оғзаки нутқ ва ўқиш малакаларини ўстириш ҳамда ўқув материалининг ўзлаштириш даражасини текшириш воситаси сифатида намоён бўлади.

2.4. Ёзувни ўргатиш машқлари.

Ёзма машқлар тушунчаси доирасига ўқувчилар синфда ва уйда бажарадиган барча ёзма ишлар кирилади. Ёзма машқ деганда, ёзув (ёзма ишда фикр баён этиш) ва ёзиш (товуш кодини график белгига ўтказиш) амаллари англашилади. Биринчисида ёзма нутқ мулоқоти, яъни ўзининг ва ўзга шахснинг фикрини ёзма шаклда кимгадир етказиш, иккинчисида эса ёзиш техникаси (товуш-ҳарф, ҳуснихат, имло) машқлари назарда тутилади.

Методик адабиёт саҳифаларнда ёзма машқлар қатор мезонларга кўра таснифланади: (1) вазифасига кўра – тайёрлов ва асосий (нутқий маъносида); (2) нутқ фаолиятининг хусусиятига қараб рецептив ва репродуктив; (3) ўқув амаллари жиҳатидан – тил структураларини нутқда тақлидан қўллаш, ўзгартириш, бириктириш; (4) тил материалига муносабат юзасидан – нутқда аниқ бир мақсадда ва турли мақсадларда қўллаш. Ушбу ёзма машқлар яна кичик турларга ажратилиши мумкин.

Ёзувни ўқитишга бағишланган методик манбаларда машқларнинг умумий таснифи ҳам келтирилади. (1) кўчириш; (2) эшитиб ёзиш (имло диктанти); (3) эркин ва ижодий диктант (фикр баён этиш); (4) чинакам ёзув машқи (хат, деворий матбуотга мақола ёзиш, бирор ҳодисани тасвирлаш); (5) ўйин-машқ (кроссворд, чайнворд, топишмоқ); (6) ҳикоя '(матн)нинг режасини тузиш; (7) ўқиган матннинг мухтасар баёни (аннотацияси) ни тайёрлаш.

Ёзма машқларнинг мавжуд таснифларини умумлаштириб, амалий қулайлик нуқтаи назардан ёзиш ва ёзма нутқ машқлари сифатида тавсия этилади ва уларга намуналар келтирилади.

Ёзиш машқлари: фалон товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш; матндан фалон товуш-ҳарф муносабатини намоиш қилувчи сўзларни кўчириш; матнни кўчириб, ундаги товуш ва ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларнинг тагига чизиш; матндаги сўзлар таркибида учрайдиган ўқилиш қоидаларини гуруҳлаш (мас. ўқилмайдиган ҳарфли сўзлар, ҳарф бирикмали сўзлар, товуш-ҳарф миқдори тўғри келадиган сўзлар ва ҳ. к. з.); бир товуш бир неча ҳарф ва ҳарф бирикмалари орқали берилишига матндан мисоллар топиш; ўхшаш морфемали сўзларни матндан кўчириш; фалон товушни ўз ичига оладиган сўзларни (қирқма алфавитдан фойдаланиб) тузиш.

Диктант ёзиш

Мактаб шароитида қуйидаги диктант турлари ўтказилади: эшитув, кўрув, кўрув-эшитув, огоҳлантирувчи диктантлар.

Эшитув диктантида олдин ўрганилган материал айтиб туриб ёздирилади. Унда товуш-ҳарф муносабати мустаҳкамланади.

Кўрув диктантида синф доскасида ёзилган гаплар ўқилади, улар ўчирилади. Сўнгра муаллим айтиб туради. Ёддан ёзишади.

Ҳар иккала диктант хусусиятини ўзида мужассамлаштирган кўрув-эшитув диктанти чоғида бир йўла синф доскаси ва дафтарларга ёзиб борилади.

Ўқувчилар дафтарларидаги ёзувларини солиштиришади ва хатоларини тўғрилаб, таҳлил қилишади.

Огоҳлантирувчи диктант ўтказишда муаллим аввало қийин орфограммаларни синф доскасига ёзиб тушунтиради, ўчиради, сўнгра, уларни айтиб туриб ёздирди.

Булардан ташқари яна ёд олинган материал (парча, шеър) ни мустақил ёзиш диктант амалда қўлланади.

Имлоли қийин сўзларни ўқувчилар, одатда, ўзларига «қулай қоидалар» ёрдамида ўқиб-ёзадилар. Методистлар экспериментлари ушбу ўқиш-ёзишни тартибга солиб, амалда истифода қилишни тавсия этишган. Қийин имлоли сўзларни орфографик айтиш/ўқиш орқали ўрганилади.

Техникавий машқлар орасида хуснихатни ўргатишга доирлари ҳам бажарилади: кўл ҳаракатини ўрганиш; намунага биноан ҳарф қисмларини ёзиш; ҳарфни бир неча қатор ёзиш; матнни (парчани) чиройли қилиб кўчириш; аралаш берилган ҳарфларни жуфтлари

билан ёзиш; босма ҳарфнинг ёзма шаклини ёзиш; босма матнни ҳарфлар билан кўчириш ва ҳ.к.з.

Ёзиш техникаси машқларини бажаришда кўчириш, тагига чизиш, тўлдириш, таснифлаш (гуруҳларга ажратиш), таҳлил, хатоларни тузатиш каби иш турлари ўрни билан кенг қўлланилади.

Имло машқларини керагида содда қоидалар кўмагида ўтказиш ҳам яхши самара беради. Имло кўникмасининг шаклланиши ёзма нутқ муваффақияти гаровидир.

Ўқувчилар маълум даражада техникавий кўникмани ва тил материални (лисоний кўникмаларни) эгаллагандан сўнг ёзма нутқ машқларини бажара бошлашади.

Ёзма нутқ машқлари

Нутқ машқларига қуйидагилар киради: баён, ҳикоя, тасвир, иншо, хат (мактуб) ёзиш. Аввал тингланган ва ўқилган мазмунан боғланма жумлалар гуруҳини ёддан ёзиш ёзма нутқ машқларини бажаришда дастлабки қадам ҳисобланади.

Ўқилган матнни қисқартириш, яъни асосий мазмунни ифодаловчи таянч жумлаларни ажратиш ва шу жумлаларни ички қисқартириш навбатда бажариладиган ёзма нутқ машқларидандир.

Энди ўқувчиларга қисқартириш билан бирга матннинг шаклини ўзгартириш тавсия қилинади. Матн мазмунини сақлаган ҳолда ўзгача жумлалар билан ёзма баён этишга ўргана бошлашади.

Ўзгартириш механизмини эгаллаш ва матн мазмунини «ўз сўзлари билан» ёзиш орқали баён машқини бажаришга ўтилади. Баён ёзиш тегишли тайёргарлик ишларини талаб этади: зарур нутқ намуналарини танлаш, матнни қисмларга ажратиш ва уларнинг мазмунини таҳлил этиш ва кетма-кетлигини аниқлаш каби машқлар бажарилади.

Ниҳоят, ўқилган ёки тингланган матн мазмунига суяниб, хат (мактуб), деворий матбуотга мақола кабиларни ёзма тайёрлаш машқ қилинади.

Ёзма нутқ машқларини бажаришнинг юксак даражасида хат (мактуб) ёзилади. Ўқувчилар турмуши билан боғлиқ мазмунда хат ёзиш ҳақида гап боради. Ўқувчилар хат ёзишлари учун уларга муаллим қуйидагиларни ўргатади: хатнинг мазмунини аниқлаш; муайян нутқ намуналари ва лексик бирликларни танлаш; хатни тўғри расмийлаштириш.

Хатнинг мазмуни деганда, ўқувчилар оғзаки нутқ юритадиган мавзулар доирасида ёзма фикр билдириш тушунилади. Ўқувчи ўзи ҳақида, мактаби, оиласи, шаҳри/қишлоғи, (ватани) тўғрисида ёзади.

Нутқ намуналари ва лексикани танлашда мактубий шаклдаги, ёзувга хос нутқий муомала ифодаси, табрик, миннатдорчилик билдириш, хатни яқунлаш кабиларга доир жумла ва сўзларни дафтарга ёзиб бориш зарур.

Ёзиш ва ёзма нутқ бўйича амалда жорий машқлардан намуналар келтирилди, холос. Ҳар бир синфда шароитга қараб, ўқувчилар кўникма ва малакаларининг ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, ёзув машқларини бажаришнинг хусусий тартиботи белгиланади.

III БОБ. Ўзбек адабий тилида орфографияни ўргатиш методикаси.

Ўзбек адабий тилини пухта эгаллаган, маданиятли кишиларни тайёрлаш – умумий таълим мактабларининг, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг асосий вазифаларидан биридир. Уни муваффақиятли ҳал этишда ўзбек тили ўқитишни ҳозирги кун талаблари даражасига кўтариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир она тили ўқитувчиси ўқувчиларга грамматика бўйича пухта билим бериши билан бирга уларда тўғри оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ҳосил қилиши, олинган билим ҳамда кўникмаларни турмушга татбиқ этиш ўргатиши ҳам лозим. Бу ўқитувчидан фақат ўқитишнинг мазмунинигина эмас, унинг методларини ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини оширишни талаб қилади.

Таълим шакллари, методлари ва воситаларини такомиллаштирмасдан туриб кўзланган мақсадни амалга ошириб бўлмайди. Фақат она тилини ўргатиш орқалигина ёшларни пухта саводхон қилиш, уларга фан асосларини сингдириш уларнинг маданий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш мумкин. Она тили – ҳар қандай тараққиётнинг асоси, бутун билимларнинг хазинасидир. Ҳар қандай тушуниш ундан бошланади, у орқали ўтади ва унга қайтади.

Она тили ўқитишда адабий тилдаги баъзи товуш, сўз ва морфемалар ўқувчининг ўз шеvasига мос келмаслиги мумкин. Демак, она тили ўқитиш ўқувчининг диалектал формалар ўрнига адабий – норматив формаларни сингдириш вазифасини ҳам бажаради.

Орфографияни ўргатишда имло саводхонлигига сезиларли таъсир кўрсатаётган айрим факторлар деярли эътиборга олинмаяпти. Ана шундай факторлардан бири ўқувчининг диалектал нутқидир.

Ўзбек шевалари ўртасидаги турли-туманлик лингвистик нуқтаи назардан маълум даражада ўрганилган бўлса ҳам, бироқ диалектология фани эришган муваффақиятлар ишлаб чиқаришга, турмушга татбиқ қилнмай келинмоқда. Ваҳоланки, бизнинг шароитимизда лингвистик текширишлар ҳаётдан, амалиётдан ажралган бўлиши ёки тилшунослик учунгина хизмат қилиши мумкин эмас. Лингвистик текширишларнинг мактаб эҳтиёжларидан бундай узоқда бўлиши илмий грамматика билан мактаб грамматикаси ўртасида жиддий узилишга сабаб бўлмоқда, эришилган ютуқлар эса мактаб учун ҳеч қандай фойда бермай, ўз ҳолича қолиб келмоқда.

Маълумки, орфография ёзувда бир хилликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир система бўлиб, тилдан фойдаланувчи киши албатта, бунга риоя қилиши керак. Чаласаводларча ёзилган хат ўқиш ва тушунишни қийинлаштиради.

Ўзбек тилида ҳамма вақт ҳам бир хилда сўзлашмовчи бир неча миллион кишининг жуда катта территорияга жойлашганлиги, табиий ҳолда, уларини ёзув ва талаффузга турлича муносабатда бўлишга олиб келади. Шундай бўлгач, она тили ўқитиш методикаси бу муҳим фактни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас,

Жойларда ўқитувчиларнинг иши билаи танишиш шу нарсани кўрсатдики, улар она тили ўқитишда, ўқувчи ёшлигидан одатланган маҳаллий шевани эътиборга олмасдан, умум томонидан қабул қилинган, методлардан фойдаланмоқдалар. Бир хил методни қўллаш кўпчилик ҳолларда, дарсликда берилган орфографик машқлардан схематик характерда фойдаланишни вужудга келтирмоқда.

Шундай ўқитувчилар учрайдик, улар она тилидан дарс бераётганида ва дарсдан ташқари вақтда ўз шеваларида сўзлайдилар. Бу масалани, билмаслик эмас, балки унга аҳамият бермаслик натижасидир.

Диалектал шароитда орфографияни ўргатиш масаласи, қанчалик муҳим ва актуал бўлишига қарамай методик асарларда жуда кам ёритилган.

Ўқувчилар нўтқидаги диалектизмлар масаласига баъзи тилшунослар алоҳида эътибор бердилар. Масалан, проф. А. К. Боровков ўзининг «Ўзбек орфографияси масалаларига доир номли ишида Тошкентдаги айрим мактаб ўқувчиларининг ёзма ишларини анализ қилиб маҳаллий диалектларга хос талаффуз хусусиятлари мактаб ишига

ўз таъсирини кўрсатди. Маҳаллий ўзбек диалектлари фонетик ва морфологик жиҳатдан бир қатор ўзига хос фарқларни сақлаб келмоқда. Бу ҳол турли вилоят ва туманлардаги она тили ўқитувчиларининг машғулотиغا сезиларли таъсир кўрсатади ва диалектларга хос талаффуз хусусиятларининг таъсири мактабда ўқитиш-ўргатиш йўли билан йўқотилади деган хулосага келади.

Шунинг учун биз она тили ўқитишда ўқувчининг табиий тили – маҳаллий диалект хусусиятлари билан шуғулланишни ҳисобга олиб, уни кенгроқ ёритишни лозим топдик.

3.1. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва шева хусусиятлари.

Ҳар бир тил ўзининг талаффуз доираси, грамматик қурилиши, луғат фонди ва таркиби жиҳатидан бир-биридан қисман бўлсада, фарқ қилувчи турли маҳаллий ва территориал шева ёки диалектларга эгадир. Биз фойдаланаётган ҳозирги ўзбек адабий тили асрлар давомида қўлланиб келинган умумхалқ ўзбек тили тараққиётининг юқори формаси бўлиб, у давлат, ижтимоий ташкилот, фан ва мактаб, матбуот, бадиий адабиёт тилидир. Бу тил лексик, орфоэпик, грамматик стилистик, орфографик ва пунктуацион жиҳатдан нормаллашган тилдир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили икки асосий манбага таянган ҳолда ривожланмоқда: 1. *Ички манба* (таянч ва етакчи халқ шевалари асосида). 2. *Ташқи манба* (бошқа тилларнинг, айниқса, рус тилининг ижобий таъсири асосида).

Ҳар бир адабий тилнинг вужудга келиши ва ривожланишида ички манба етакчилик ролини ўйнайди. Ташқи манба эса унинг такомиллашиши ва бойишида бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Адабий тил ўзининг ёзувга асосланиши ва миллат учун умумийлиги ҳамда нормативлиги билан жонли сўзлашув тилидан – шева ва диалектлардан фарқ қилади. Мавжуд нормативликни стабиллаштириш табиий равишда, бирор етакчи шевага таянишни тақозо қилади..

Ўзбек адабий тили ўз ичига, адабий тилдан ташқари бир қанча шевалар ва диалектларни ҳам олади. Тошкент ва Фарғона шевалари асосида шаклланган ўзбек адабий тили вужудга келган кундан буён ҳар томонлама ўсди. Унинг фонетик системасига маълум даражада ўзгаришлар киритилди – унлилар таркиби ихчамланди, ундошлар таркибига баъзи бир янги фоне- малар хелиб қўшилди, янги тушунчалар пайдо бўлиши билан тилнинг луғат таркиби янги сўз ва иборалар ҳисобига бойиди. Адабий тилдаги бу

Ўзгаришларнинг барчаси, табиий равишда, жамият кишиларининг коллектив равишда қилган ижод ва меҳнатларининг натижасидир.

Тилнинг вазифаси – кишиларнинг ўзаро алоқа қуроли, бўлишидир. Агар биз ўзбек тили шеваларидаги ҳар хилликни сақлаб қолганимизда эди, фикр алмашиш қийинлашган бу эса кишиларнинг иқтисодий, маданий ва бошқа соҳадаги алоқаларини сусайтирган бўлур эди. Бундан ташқари, тингловчининг диққат-эътибори айтилган фикрнинг мазмуйига эмас, балки унинг формасига жалб қилинарди.

Ўзбек адабий тили шева ва диалектларга нисбатан алоҳида мазмун касб этмасдан, балки ундаги айрим хусусиятлар Тошкент диалекти таъсирида шаклланган бўлса, баъзи ҳодисалар Фарғона гуруҳ шевалари таъсирида вужудга келгандир. Айрим ҳолатларда эса ҳар икки диалект ўзаро тенг ҳуқуқ билан адабий нутқнинг бойишига ижобий таъсир кўрсатган. Масалан, Тошкент диалектига хос *намат*, *нарвон* сўзлари билан бир қаторда, Фарғона шевалари учун хос бўлган *кигиз*, *шоти* сўзлари ҳам адабий тилга қабул қилинган. Лекин бу ҳолат умумий бўлмасдан тил тараққиётининг объектив қоидалари билан белгиланади. Шундай ҳолатлар ҳам борки, бир диалектга хос бўлган сўз адабий тил учун қабул қилингани ҳолда, бошқа бир шевада шу маънода қўлланувчи сўз шева характериға эға бўлиб қола беради. Масалан, Фарғона шеваларида кенг қўлланувчи *сигир* сўзи адабий тил лексикасидан мустаҳкам ўрин олгани ҳолда, Бухоро шеvasида шу маънода ишлатиладиган *бинак* сўзи диалектизмдир.

Ўзбек адабий тилида, табиий ҳолда, шундай тушунчалар пайдо бўлганки, улар бирорга ўзбек шева ва диалектиға мансуб эмас. Масалан, *пионер*, *космос* сўзлари аввал адабий тилда пайдо бўлиб, кейин халқ шевала- рига кириб, ўзлашиб борган.

Совет, интернационал сўз ва терминларнинг ҳамда турли қисқартма отларнинг адабий тил орқали жонли сўзлашув нутқиға кириб, айрим фонетик ўзгаришлар билан бўлса-да, лексик қатламни ташкил қилаётганлиги диалектал тафовутларнинг нивелировка қилишда муҳим босқичдир. Адабий тил билан шевалараро муносабат фақат лексик ўзлаштирмалардагина акс этиб қолмасдан, турли грамматик формаларда ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, адабий-орфографик ҳозирги замон аниқ феъли ясовчи *-яп* аффикси дастлаб шевада. вужудга келган бўлиб, кейинчалик адабий нутқда нормал формаға айланди. Ёки *-ист*, *изация*, *-тор* каби морфологик формаларнинг шева вакиллари нутқида (*методист*, *механизация*, *механизатор* каби) айнан қўлланаётганлиги адабий тилнинг шеваларға бўлган таъсиридан бир намунадир. Адабий тил билан шевалар ўртасидаги муносабат ана шундай ўзаро таъсир орқали амалға оширилади.

Тил таракқиётининг ҳозирги босқичи бутун миллат учун ягона бўлган адабий тилнинг тобора ривожланиш ва унинг маҳаллий шевалардаги традицион, тор диалектал хусусиятларни аста-секин сиқиб чиқариб ўзининг қўлланиш доирасини кенгайтира бориши билан характерланади. Бироқ адабий тил шева ва диалектларга бир хилда таъсир кўрсатмайди. Шева ва адабий тилнинг бир-бирига таъсири жуда мураккаб бўлиб тилдаги янги элементларни кам қабул қилган, ўз традицион системасини мустаҳкам сақлашга интилган айрим шевалар адабий тил таъсирига камроқ учрайди. Бунда, албатта, ўша шеванинг территориял жойланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек адабий тилини пухта эгаллаш учун мактаб дарсликларини яхши билиш ва “имло луғатидан” кенг фойдаланиш лозим. Шу билан бирга ёзувчиларнинг янги яхши бадиий асарларини системали ўқиб, уларнинг луғат бойлигига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Адабий тил нормаларини ўзлаштириш, одатда, мактабдан бошланади.

Мактаб – адабий тил ва нутқ малакаларини сингдиришнинг асосий бошланғич нуқтасидир. Ишнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи синфдаги ҳар бир ўқувчининг шевааси билан таниш бўлиши ҳамда уларни адабий тил фактлари билан бемалол-таққослай олиши кёрак. Шундагина адабий тил нормаларини ўзлаштиришда ўқувчи ва ўқитувчи учун қулайлик туғилади.

3.2. Диалектал хатолар классификацияси

Ўқувчилар нутқидаги диалектал хатолар (оғзаки ва ёзма нутқда) жуда хилма-хил ва барқарор бўлиб, таълим-тарбия жараёнида улар билан махсус ишлаш талаб қилинади. Ўқувчилар нутқидаги диалектал хатолар кўплаб имло хатоларининг келиб чиқишига ва адабий тил нормаларини эркин ўзлаштиришга халақит бермоқда.

Диалектал шароитда ўқувчилардаги орфографик хатоларни дастлаб икки груҳга бўлиш мумкин:

1. Нодиалектал хатолар (яъни умум ўзбек диалектлари учун бир хил бўлган хатолар).
2. Диалектал хатолар (айрим бир шева учун хос бўлган хатолар).

Мактаб ўқувчиларининг кундалик турмушда ўзаро фикр олишувида шевалардан бири хизмат қилади. Ўқувчи тили – шеваси орфография ўртасидаги мураккаб тафовутлар турли хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқдаки, бу хатолар аслида лингвистик хато

бўлиб, биз уларни диалектал орфографик хатолар деб атадик. Қолган хатоларни эса ундан фарқлаш унун нодиалектал (умум диалектал) хатолар деб юритдик.

Қуйидаги сабаблар туфайли содир бўлган хатоларни нодиалектал орфографик хатолар дейиш мумкин:

а) сўзларнинг морфологик таркибига зид равишда ажратиб ёки қўшиб ёзиш туфайли келиб чиққан хатолар *ерёнгоқ* (ер ёнғок), *қизил иштон* (*қизилиштон*) каби;

б) сўзларни бўғинга ажратишда учрайдиган хатолар: *ки-тоб*, *ма-ктаб*, *па-хта* каби;

в) шаклдош сўзларда атоқли ва турдош отларни фарқламасдан, бош ва кичик ҳарфларни қўллаш натижасида келиб чиққан хатолар. Масалан, *Теша* – киши исми, *теша* – қурол, асбоб; *Қилич* – киши исми, *қилич* – предмет; *Тошлоқ* – жой номи, *тошлоқ* – тоши кўп ер каби;

г) адабий тилда ва шевалараро бир хил талаффуз қилинадиган, Лекин сўзнинг морфологик таркибини ҳисобга олмай ёзилган сўз ва қўшимчаларда учрайдиган хатолар. Бу тур хатоларга товушларнинг жарангсиз, айтилишига кўра ёзилган сўзлар киради. Масалан, *китоб*, *озод* сўзлари адабий тилда ва шеваларда *китоп*, *озот* тарзида талаффуз қилинади;

д) индивидуал талаффуз билан боғлиқ бўлган хатолар, яъни логопедик хатолар. Масалан *р* товушини айта олмаслик туфайли: *палавоз* (паровоз), *қолбобо* (қорбобо) каби.

Ўқувчилар нутқидаги орфографик хатолар талаффуз билан боғлиқ бўлиб, бунда икки ҳолат кўзга ташланади:

1. Хусусий диалектал хатолар. Бунда сўз бевосита шева таъсирида ёзилиб, адабий тилнинг орфоэпик ва орфографик нормаларига бутунлай мос келмайди: *айақ* – *оёқ*, *чўжа* – *жўжа* каби.

2. Хато ёзилган сўз адабий тилнинг орфоэпик нормаларига мос келади, лекин орфография қоидаларига зид бўлади: *озот* – *озод*, *китоп* – *китоб* каби.

Диалектал шароитда орфография ўргатишда юқори даги икки ҳолатдан келиб чиқадиган талаффуз билан ёзув ўртасидаги қўйидаги асосий тафовутларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

а) ўқувчининг талаффузи имло қоидасига ва адабий талаффузга зид келади: *дастон* – *достон*, *китопиз* – *китобингиз*;

б) ўқувчининг талаффузи адабий талаффузга ўхшайди, бироқ, орфографияга мос келмайди; *мансап – мансаб, озот – озод*;

Диалектал хатолар лингвистик нуқтаи назардан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Диалектал-фонетик хатолар (товуш ва ҳарфларда учрайдиган хатолар). Масадан, *каса* (коса), *тола* (дала), *газита* (газета).

2. Фонетик-морфологик хатолар (аффикслардаги айрим товуш ва ҳарфларда содир бўладиган хатолар). Масалан, *қирмач* (қирмоч), *йолдаш* (йўлдош), *йотақ* (ётоқ).

3. Морфологик хатолар (адабий тилдаги бир аффикс ўрнига шевадаги бошқа бир аффиксни қўллашдан келиб чиққан хатолар). Масалан, *толди* кес (толни кес), *оқин сув* (оқар сув).

4. Лексик хатолар (адабий тил луғат таркибидаги сўз ўрнига шевага хос бўлган сўзни алмаштириб ёзишда учрайдиган хатолар). Масалан, *бувак* (чақалок), *қизилча* (лавлаг).

5. Синтактик хатолар (шеванинг синтактик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, кўпинча, гап қурилишида, сўз алоқаларида ва бошқа конструкцияларда кўзга ташланди). Масалан, *маши* (мана шу) *машадейди* (мана шу ерда эди), *аши* (ана шу) каби.

Диалектал-фонетик хатолар. Бунга қуйидаги характердаги хатоларни киритиш мумкин:

а) адабий-орфографик бир унли ўрнига шева талаффузи таъсирида бошқа бир унли ёзиб қўйиш натижасида кели чиққан хатолар. Булар ўз навбатида ик- ки хил кўринишга эга:

урғули бўгинда: . *каса* (коса), *адат* (одат), *газита* (газета);

урғусиз бўгинда: *севат* (сават), *белат* (билет);

б) ундошларни ёзишда учрайдиган хатолар. Хатонинг бу тури. ҳам бевосита шева талаффузи билан боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда ассимиляция ёки диссимиляция таъсирида ўқувчи бир ундош ўрнига бошқа бир ундошни алмаштириб ёзиб қўяди. Бу хил хатолар, ҳам икки турга бўлинади: *жарангли ундошларда* Бунда жарангсиз товуш турли позицияларда жаранглиланади; *тола* (дала), *патинка* (ботинка); *жарангсиз* ундошларда. Бунда жарангсиз ундош жарангсиз ундош билан ёки жарангли ундош билан, алмаштирилади; *чач* (соч), *шитирги* (супурги), *гилоз* (гилос), *зоди нас* (зоти паст).

Фонетик-морфологик хатолар. Диалектал хатоларнинг бу тури бевосита сўзнинг ўзида ҳосил бўлмасдан, балки турли аффикслардаги айрим товушларда содир бўлади. Масалан, адабий-орфографик *-роқ, -моч, -оқ, -қоқ* суффикслари Андижон шаҳар шеваси ўқувчилари нутқида *-рақ, -мач, -ақ, -қақ* тарзида талаффуз қилиниб, *о – а* ходисаси содир бўлади: *кичикрақ* (кичикроқ), *тезрак* (тезроқ), *қўғирмач* (қўғирмоч), *қирмач* (қирмоч), *йотақ* (ётоқ), *уришқақ* (уришқоқ), *ботқақ* (ботқоқ).

Морфологик хатолар. Диалектал хатоларнинг бу турида ўқувчи адабий тилдаги бир аффикс ўрнига шева таъсирида график жиҳатдан бутунлай бошқа бўлган қўшимчани қўллайди. Масалан, адабий-орфографик ҳозирги замон аниқ феъли ясовчи *-ян* суффикси Самарқанд шевасида *-он* (келопти), Наманган шевасида *-ут* (келутти), Тошкент шевасида *-вот* (кевотти). тарзида қўлланади.

Лексик хатолар. Диалектал хатоларнинг бу турини соф диалектал орфографик хатодан фарқлаш лозим. Чунки, хатонинг бу тури адабий тил лексикасига қабул қилинмаган, территориал характерга эга бўлган бирор сўзни ўқувчи лексик бойлигининг камлиги туфайли қўллашидан келиб чиқади. Шунга кўра бу хато иккига бўлинади. [Турсунов У., Мухтаров Ж., Раҳматуллаев Ш., 159-160].

а) диалектал сўздаги хато. Бунда ўқувчи адабий тилдаги бир сўз ўрнига шева таъсирида. бошқа сўзни алмаштириб ишлатади. Масалан, Андижон шеваси шароитида ўқувчи адабий тилда қўлланувчи *дехқон лавлаги экди* гапини *дехқон қизилча экди* тарзида қўллаб, *лавлаги* сўзили *қизилча* сўзи билан алмаштиради. Ёки адабий тилдаги *чақалоқ* сўзи ўрнига *бувак, белбоғ* ўрнига *чорси, ёстиқ* ўрнига *болиш* сўзини алмаштириб қўллайдилар;

б) диалектал маънодаги хато. Бази ҳолларда бирор диалектдаги сўз бошқа диалектдаги ёки адабий нутқдаги сўз билан товуш тузилиши жиҳатдан бир хил бўлади-ю, лекин лексик маъносига кўра фарқланади. Масалан, адабий тилда кенг қўлланувчи *лаган* сўзи Тошкент шевасида ош сузадиган, ясси идишни билдирса, Андижон шевасида чуқур идиш маъносида қўлланади. Ёки Тошкент шевасидаги *челак* – русча *ведро* маъносида, Андижон шевасида эса *пақир*, Самарқандда *сатил* деб қўлланилади. Кейинги сўз Андижонда кастрюлька маъносида ишлатилади. Лекин ҳар учала шевада маъно жиҳатдан фарқланувчи бу сўзлар адабий тил лексикасига қабул қилинган. Лексик хатоларнинг бу тури адабий тилда у ёки бу сўзнинг маъносини билмаслик натижасида келиб чиқади.

Синтактик хатолар. Диалектал хатоларнинг бу тури турли сўз бирикмаларида, гап қурилишида ва қўшма гапларда ёрдамчи сўзлардан ўринсиз фойдаланишда кўзга

ташланади. Масалан, Андижон шевасида *бизи мактаб* – мослашув алоқаси бузилган (бизнинг мактаб).

Юқорида келтирилган хатоларнинг бир тури (фонетик хатолар) фақат шева талаффузи билан боғлиқ бўлиб, улар адабий тилнинг орфоэпик нормаларини назарий ва практик жиҳатдан ўзлаштириш орқалигина бартараф қилинади. Хатоларнинг қолган турлари эса (морфологик ва синтактик) биринчи навбатда адабий тилнинг грамматикасини, қолаверса тўғри талаффуз қодаларини мустаҳкам сингдириш йўли билан йўқатилади.

Ўқувчилар нутқидаги диалектал ва нодиалектал хатоларни классификация қилишда, уларнинг келиб чиқиш сабабларини тўғри аниқлай олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Орфографик хатоларни классификация қилишда уларга лингвистик ва психологик нуқтаи назардан ёндошиш лозим. Чунки айрим хатолар турли психологик (ўқувчининг кўриш қобилиятининг сусайиши, диққатининг бўлиниши, толиқиши, нотўғри ўхшатиши) сабабларга кўра ҳам содир бўлиши мумкин.

Орфографик-хатоларни синчиклаб ўрганиб, уларни адабий тил ва ўқувчи шеваси билан қиёслаб классификация қилиш ўқитувчи учун уларнинг қайсилари шевага боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини, қайси бири осонроқ бартараф қилинишини аниқлаб, сўнгра ишни қандай ташкил қилишига тўла имкон беради.

3.3. Унли товушлардаги диалектал хатолар устида ишлаш

Ҳар бир маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, диалектал хатоларни бартараф қилишда, айрим методик усуллардан фойдаланиш лозим.

Андижон шеваси шароитида ўқувчиларнинг ёзма ишларида унли товушларни ёзишда учрайдиган, диалектал имло хатолари маҳаллий талаффуз билан боғлиқ бўлиб, орфоэпик нормаларни ўзлаштирган ўқувчиларда, адабий талаффуз билан имло ўртасидаги ўзаро мослик туфайли (айрим тасодифий ҳолатларни ҳисобга олмаганда) ҳеч қандай хато содир бўлмайди.

Мазкур шеванинг *а*-ловчилик хусусияти таъсирида адабий-орфографик *шона*, *шоти*, *шоли*, *дока*, *кокил*, *жой*, *оёқ*, *чойнак* каби бир қатор сўзларнинг адабий тил талаффуз нормаларига зид равишда *шана*, *шати*, *шали*, *дака*, *какил*, *жай*, *айақ*, *чайнак*

шаклида талаффуз қилган ҳолда ёзиб қўйишдан келиб чиққан хатодаги *о – а* ҳолатини бирор имло қоидаси билан изоҳлаб, бартараф қилиб бўлмайди.

Имлодаги *о* ҳарфи ўрнига шева таъсирида *а* ёзиб, орфографик хато қилиш, позицион жиҳатдан, фақат сўзларнинг биринчи бўғини учунгина хос бўлиб қолмасдан, балки иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда *қ, ғ* ундошлари билан ёндош келганда, шунингдек, адабий-орфографик *-роқ,*
-моқ, -чоқ каби айрим аффикслар таркибидаги *о* товушини қўллашда ҳам кўринади (*пичақ, чирақ, қозичақ, қозан, бозар, қоғаз* каби). Айрим ҳолларда *а-о* кўриниши ҳам учрайди. Адабий-орфографик *адир, анор, адаш, алдоқчи, арзон, ағдар* каби сўзларнинг шевада *одир, онар, одаш, олдоқчи, орзон, оғдар* тарзида айтилиши бунинг далилидир.

Унлилар орфографиясига адабий таъсир қилувчи юқоридаги (бошқа унлиларни қўллашда ҳам бундай номувофиқлик мавжуд) ҳолатларни бартараф қилиш учун, ўқувчиларни адабий тил талаффуз нормаларига ўргатиш лозим.

Сўзларнинг шева талаффузи ўқувчилар нутқида жуда мустаҳкам ва барқарор бўлиб, уларни йўқотишда қуйидаги машқлардан фойдаланиш зарур.

а) таркибида диалектал фарқи бўлган сўзларни йиғиб, махсус луғат тузиш ва ўша сўзнинг тўғри шаклини ёзиш.

М а с а л а н:

Ш е в а д а А д а б и й т и л д а.

шана шона

каса коса

пичақ пичоқ

чирақ чироқ

Бундай луғатни тузиш мавсумий характерга эга бўлмасдан, узоқ вақт системали равишда янги сўзлар билан бойитиб борилади;

б) шу сўзларнинг орфоэпик нормаларга риоя қилиб, аниқ талаффуз қилишни машқ қилиб бориш. Бунда ўша товушнинг артикуляция ҳолати кузатилиб, нутқ органлари шунга мослаштирилади;

в) ўша ўзак-негиздан янги сўзлар яшаш: *коса, косагар, шокоса, косагарчилик; шоли, шолипоя, шоликор, шоликорлик; пичоқ, пичоқчи, пичоқсоз* каби;

г) синфда ва уйда бажариладиган оғзаки ва ёзма машқларда ана шу сўзларни тез-тез қўллаб туриш;

д) ўша сўзлар иштирок этган қуйидаги каби мисолларни ёдлатиб, тез айтишни машқ қилиш. Бунда ўхшаш сўзлар таъсирида нотўғри ёзилиши мумкин бўлган сўз ҳам тўғри ёзилади (*коса-роса*).

1. Шокоса, шокосанинг ичида нимкоса, нимкосани олай десам, чиқиб қолди яна бир коса . 2. Ололмай қолмайлик деб коса, овора бўлдик роса.

е) хато ёзилиши мумкин бўлган товуш – ҳарфни рангли қалам билан алоҳида ажратиб, бир ўзакдан иборат бўлган сўзларнинг луғат-жадвалини тузиш;

ё) ўқувчилар иккиланиб ёзиши керак бўлган унлини тушириб сўзларни доскага ёки карточкаларга ёзиб, улар устида машқ ўтказиш;

Масалан: *боз-р, ҳ-во, қоз-з, тар-қ* (*бозор, ҳаво, қозоз, тароқ*).

3.4. Ундошлардаги диалектал хатолар устида ишлаш.

Ундош товушлар имлосида учрайдиган диалектал хатолар сон ва сифат жиҳатдан хилма-хил бўлиб, уларнинг деярли барчаси маҳаллий талаффуз билан боғлиқдир.

Гарчи хатолар турли хил кўринишга эга бўлса ҳам, уларни бартараф қилишдаги усуллар умумий характерга эга. Чунки улар кўпинча сўзнинг ўзак-негизидагина учрайдилар. Шунинг учун ҳам биз хатоларни йўқотиш-нинг айрим методларидан намуналар бериш билан чекланамиз. Хатоларнинг қолган турлари устида иш олиб борганда ўқитувчи ўз шахсий тажрибасига таяниб, ушбу намуналарга ижодий ёндашиб янги машқлардан фойдаланиши мумкин.

Андижон шеваси талаффузида ундошлар орфографиясида учрайдиган хатоларнинг энг мустаҳкам ва барқарор кўринишларидан бири *б – п* ва *б-г* ҳодисасидир.

Адабий-орфографик *б* ундоши ўрнига *п* ёки *в* товушини қўллаш, ёндош товушлар характери билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, турли кўринишда кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам хатонинг бу турини бартараф қилиш ўқитувчидан алоҳида меҳнат ва маҳорат талаб қилади.

Адабий тилдаги *бутоқ, бич, ботинка, мухбир, нобуд, обод, телба, лаб, офтоб, белбоғ* каби бир қатор сўзларни *путақ, пич, патинка, мухпир, новут, овод, телва, лав,*

оптов, белвоқ тарзида ёзиб, *б* ўрнига *п* ёки *в* қўлланилиши маҳаллий диалектал талаффуз таъсирида вужудга келган фонетик хатолардир.

Агар ўқувчиларнинг талаффузи ўзгартирилиб, уларда орфоэпик нормаларга риоя қилиш малакаси ҳосил қилинса, бундай фонетик характердаги хатолар бартараф қилинади.

Нормал бир товуш ўрнига нормал бошқа бир ҳарфни қўллаш туфайли келиб чиққан хатони бартараф қилиш учун, ўқувчиларни тўғри талаффузга ўргатиш мураккаб бўлиб, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан ўқувчи ўзи одатланган талаффузга кўра тўғри товуш билан нотўғри товуш ўртасидаги тафовутни эшитиш органи орқали фарқлай олмайди иккинчидан, қўлланиши лозим бўлган ҳарф билан нотўғри қўлланилган ҳарфни акустик ва артикуляцион жиҳатдан практик фарқлаш малакасига эга эмас.

Шунинг учун ҳам ишни, тўғри ва нотўғри товушни бир-бирига солиштириш орқали, уларга акустик ва артикуляцион характеристика беришдан бошлаш зарур. Масалан, *в – б – п* ҳодисасида *б* товушининг портловчи, жарангли ундош эканлиги ва уни талаффуз қилишда, товуш пайчаларининг бирмунча титрашлиги, *п* нинг эса портловчи, жарангсиз товушлиги ва *в* товушининг сирғалувчи, характери уқтирилиб, буларни сўз таркибида турли ҳолатда келтириб, талаффуз қилиниши кўрсатилиши лозим.

Товушларни нутқ органларининг иштирокига кўра ўзаро бир-биридан фарқланишини практик жиҳатдан тўла ўзлаштириш учун қуйидаги машқдан фойдаланиш мумкин:

Бўлай десанг боғбон,
Ё Ватанга посбон,
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи,
Нимаики килсанг тилак
Барига ўқиш керак.

(Қ.Муҳаммадий)

Юқоридаги матнда *б* ва *в* товушининг қўлланиши анализ қилиниб, *Ватан, учувчи, сузувчи* сўзларида *в* товуши ўз функциясида тўғри айтилаётгани, *боғбон, посбон* сўзларидаги *б* товушининг *в* тарзида талаффуз қилиниши шева таъсирида юзага келаётган бўлиб, нотўғри эканлиги кўрсатилади.

Адабий-орфографик ҳозирги замон феъл ясовчи *-яп* аффиксига кўшиладиган *-ман* ва *-миз* кесимлик кўшимчаларида *м* товуши ўзидан олдинги аффикс охиридаги *пм* бирикмаси ўрнига талаффузда *нн* бирикмасини ҳосил қилиб, имло хатосининг келиб чиқишига сабаб бўлади: *келяпман – келяппан, ёзяпмиз – ёзяппиз*. Бу ҳолат охири *-б, -иб* равишдош кўшимчалари билан тугалланган феъл ўзак-негизларида ҳам кўринади: *ўқибман – ўқиппан, ишлабмиз – ишлаппиз* каби. Бу турдаги хатоларни бартараф қилишда сўз таркиби анализ қилиниб, шахс-сон билдирувчи феъл кўшимчалари *-пан, -пиз* шаклида бўлмасдан, *-ман* ва *-миз* формасида қўлланилиши уқтирилади. Бундай таққослаш тубандаги луғат-таблица орқали кўрсатилиши ҳам мумкин:

Бундай айтманг ва ёзманг.

Шундай айтинг ва ёзинг.

келяппан

келяпман

кетяппан

кетяпман

боряппиз

боряпмиз

Ундошлар орфографиясидаги хатоларнинг бир қисми, айрим товушларни турли позицион ҳолатда тушириб айтиш туфайли эшитилганича ёзиб қўйиш натижасида вужудга келади. Бундай хатоларнинг олдини олиш учун талаффузни тўғрилашга қаратилган махсус машқлар ўтказиш лозим. Турли позицион ҳолатда *гишт, гўшт, пост, наст, суст, турис, дастрўмол, дастлаб* каби сўзларда *т* ундошини тушириб, *гиш, гўш, нос, пар, сус, турис, дасрўмол, даслаб* тарзида ёзиб қўйишдан келиб чиққан имло хатоларини бирор сўз туркумига тегишли қоида ёки, таъриф билан изоҳлаб бўлмайди.

Ўқувчиларга талаффуз намуналарини ўргатганда сўзларни «орфографик» ёки «китобий» талаффуз қилишга, яъни қандай ёзилса, шундай айтишга одатланиб қолмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим. Токи улар орфоэпия билан орфографиянинг фарқини тўла тушуниб етсинлар. Чунки «Ўқувчилар талаффуз билан имло ўртасидаги ўзаро тафовутни тўғри тасаввур қилмасдан туриб, орфографияни тўлиқ тушуниб етмайди.

Агар орфоэпия[^] билан орфография ўртасида ҳамма вақт ҳам ўзаро тенглик бўлганида эди, ҳеч қандай орфографик қоидага эҳтиёж бўлмаган ва фақат биргина «қандай-айтсанг, шундай ёз» деган қоида бўлар эди ҳамда ҳеч ким ҳеч қандай хато қилмаган бўлар эди.

Сўзларнинг орфографияси устида иш олиб борганда, фонетик машқлардан, тайёр матнлардан ёки ижодий характердаги машқ намуналаридан – ёзма иш турларидаи ва имло луғатидан системали фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

3.5. Диалектал морфологик хатолар устида ишлаш

Ўзбек орфографиясида морфологик принципнинг етакчи ва устун прннциплиги туфайли кўпинча морфемаларнинг ёзувда бир хил шаклда ифодаланиши ўқувчилар учун сўзларнинг маъно англатадиган қисмларини тез ва аниқ ажратаб олишга ҳамда уларининг алоҳида ҳолдаги қийматини белгилашга, сўзнинг бутунича баён этадиган маъносини уқиб олишга, имкон беради.

Маълумки, маҳаллий, диалектлар ўзининг грамматик қурилиши билан айрим ҳолларда адабий тилга мос келсаларда, баъзи хусусиятлари билан ундан фаркланадилар. Шева билан адабий тил грамматик қурилиши ўртасидаги ўзаро тафовут кўпчилик ҳолларда ўқувчиларнинг ёзма ишларига салбий таъсир қилиб, имло хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ўқувчилар нутқида сўзнинг ўзак-негизида учрайдиган хатоларни бартараф қилишда, ўзакдош сўзлар устида кўпроқ машқ ўтказиш, бадий асарлардан бир хил ўзакли сўзларни топишни буюриш ва зарур ҳолларда сўзнинг маъносини очишга ёрдам берувчи этимологик маълумотлар бериш муҳим аҳамиятга эга.

Грамматикани ўрганишнинг аҳамияти орфографияни ўқитишда, оддий, нормал ҳолатдагига нисбатан, диалектал хатоларни йўқотишда жуда муҳимдир. Чунки ўқувчилар грамматикани, ўрганиш билан турли аффиксларнинг ёзув шакли билан адабий тил ва шева талаффузи ўртасидаги ўзаро муносабатни қиёслаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса, табиий равишда, уларнинг савод ва нутқ малакаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Грамматикани ўрганиш билан бир вақтнинг ўзида бир қатор масалаларни: адабий талаффуз нормаларини, тўғри ёзиш кўникмаларини ўзлаштирадилар, адабий тил билан шева ўртасида рақобат қилувчи аффиксларнинг маъно англатишдаги функциясини аниқроқ тўшуниб оладилар ва уни онгли ўзлаштиришга эришадилар.

Ўқувчиларнинг грамматикани билмаслиги туфайли содир бўладиган хатолар диалектал бўлиши билан бирга, нодиалектал характерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Нодиалектал характердаги хатолар сўзларни қўшиб ёки айириб ёзишда, бўғин кўчиришда ва адабий талаффузда ҳамда шевалараро бир хил айтилиши лозим бўлган сўзларни талаффузга биноан ёзиб қўйиш каби бир қатор кўринишларда намоён бўлса,

диалектал хатолар эса шева билан адабий тил грамматик қурилиши ўртасидаги мос келмаслик натижасида содир бўлади. Диалектал хатоларнинг бу характери ўқитувчидан сўз туркумларини ўқитишда шева билан адабий тил ўртасидаги (ясовчи, турловчи, тусловчи аффикслар ва бошқаларнинг қўланишидаги) номувофиқликка кўпроқ аҳамият беришни талаб қилади.

Шева шароитида грамматикани ўрганишда сўзларнинг ясалиши, турланиши ва тусланиши каби масалаларни ўқувчилар назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришига алоҳида диққатни жалб қилиш лозим. Диалектал морфологик хатоларнинг олдини олишда юқорида айтилган умумий усуллардан фойдаланиш билан бирга, яна қуйидагиларга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур:

1. Сўз туркумлари бўйича алоҳида махсус топшириқлар бериб, синфда ва уйда оғзаки ва ёзма равишда сўзларнинг ясалиши, турланиши, тусланишига оид машқлар ўтказиш.

2. Қуйидаги сўз груҳлари ёки бирикмалардан нутқда тез-тез фойдаланиш. Масалан, турлашга доир:

от билан от (китобнинг муқоваси)

от билан феъл (акангиз келди)

олмош билан от (менинг отам)

Келишик қўшимчаларини тўғри талаффуз қилиш устида машқ олиб борганда, турли орфоэпик таблицалардан фойдалиниш ҳам яхши натижа беради. Қуйида биз ана шу таблицалардан баъзи намуналар келтирамиз:

Шевада шундай айтилади.

Адабий тилда шундай айтилади.

Бу – нотўғри

Бу – тўғри

Каримди укаси

Каримнинг укаси

мени акам

менинг акам

отти минди

отни минди

сени қаламинг

сенинг қаламинг

толди кес

толни кес

Ўқувчилар нутқидаги диалектал хатоларнинг бир қисми феъл туркумига кирувчи сўзларнинг таркиби билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам маҳаллий талаффуз таъсирида вужудга келадилар. Бундай хатоларни бар- тараф қилиш учун шева таъсирида хато ёзилиши лозим

бўлган феъл туркумига кирувчи сўзларни тўғри талаффуз қилиш устида системали машқ ўтказиш лозим.

Агар ўқувчилар талаффузда ёки ёзма ишларда *ол, қол, сол, бўл, қил, бер* ўзакларига феълнинг бўлишсизлик ясовчи *-ма* аффикси ёки ҳаракат номи ясовчи *-моқ* қўшилиши натижасида вужудга келган феълларни *ома, қома, сома, бўм,а, қима*, тарзида айтсалар, бу сўзларни ўз ўрнида морфологик таҳлил қилдириш лозим. Бунда ўқувчилар сўздаги аффиксни аниқлай олсалар ҳам ўзакни топа олмайдилар. Шунда ўқитувчи бу сўзларнинг ўзаги *ол, қол, сол, бўл, қил*, эканлигини уктириб, қайта-қайта талаффуз қилдиради. Ўқувчиларга бу сўзларнинг ўзагини тўлароқ тасаввур қилдириш учун *-ди* ни қўшиб (олди, қолди, солди, бўлди, қилди) тарзида кўрсатиш ҳам мумкин. Бу билан ўқувчилар ушбу феълларда *л* ва *р* товушининг тушиб қолиши *-ма* ва *-моқ* аффиксларининг таъсирида вужудга келаётганини англайдилар. Айрим ҳолларда бу феъл ўзакларидаги *л* товушини тушириб қўллаш сўзнинг график шаклига ва маъносига таъсир қилишини кўрсатиш орқали шу сўзларнинг талаффузи ва имлосини тўғрилаш мумкин.

1. *Пиллакорларнинг омади келиб, бу йил ипак қуртидан мўл ҳосил олишди.*

2. *Карима берган китобимни омади (олмади).*

Бу икки мисолдаги *омади* сўзини солиштириб, унинг кейингиси нотўғри талаффуз қилиш тасирида хато ёзилганини тушунтириб, биринчи мисолдаги *омади* сўзи от туркумига тегишлилиги, иккинчиси эса мазмунан сўз туркумидан феълга қарашлилиги уктирилади. Шу билан бирга, иккинчи гапдаги сўзнинг тўғри шакли *олмади* бўлиб, унинг ўзак ва бир неча аффиксга ажралишлиги, биринчисининг эса таркибида эгалик аффиксигина мавжуд бўлиб, фақат ўзакдан иборатлиги – бўлинмаслиги тушунтирилади.

Сўзларни этимологик анализ қилиш ўқувчиларнинг орфографияни ўрганишга бўлган қизиқишлари ва луғат бойлигининг ошишига ёрдам беради.

Этимологик анализ қилинганда, ўқувчилар нутқида кўп қўлланадиган ва маъноси ҳамда имлоси қийин бўлган сўзларни танлаш лозим.

Ўқувчиларга бериладиган дастлабки этимологик маълумотни грамматик терминларни изоҳлашдан бошлаш зарур. Чунки ўқувчилар она тили дарсларининг дастлабки босқичларидаёқ турли лингвистик терминларга дуч келадилар. Терминлар этимологик анализ қилиб борилса, ўқувчилар уларнинг англатган маъноларини ва улар билан боғлиқ бўлган грамматик тушунчаларни тўғри тушуниб етадилар ҳамда ўша

сўзларнинг талаффуз ва имлосида қийналмайдилар. Айниқса, сўз ва терминларга бериладиган этимологик характеристика ўша сўзлар нотўғри ёзилган вақтда ўтказилса яна ҳам яхши самара беради. Масалан, ўқувчи *морфология* сўзини *марфалогия* деб ёзар экан, бу сўзнинг таркибини тушунтириш лозим. Бу сўз грек тилидан олинган бўлиб, икки қисмдан: *морфе* «шакл», «форма» ва *логос* «сўз», «таълимот» маъносини англатади.

Адабиёт дарсларида ҳам этимологик анализ устида ишлашни давом эттириш керак. Бундан ташқари, бошқа предметларга доир: *биология*, *геометрия*, *география*, *математика* каби сўзларга ҳам ўқувчилар диққати жалб қилинади.

Сўзларни этимологик ўрганишни аниқ бирор мавзу билан чегаралаб бўлмайди. Чунки уларнинг характери барча мавзулар билан боғлиқ равишда ўрганишни тақозо қилади.

3.6. Диалектизмларни бартараф қилишда орфографик машқлардан фойдаланиш.

Орфографик хатоларни классификация қилиш, унинг лингвистик хусусиятини ҳам ҳисобга олиш у ёки бу машқ туридан қайси мавзу ва қондани ўзлаштиришда келиб чиққан хатони бартараф қилишда фойдаланишни аниқлаштиради. Шу билан бирга, бирор машқ турини ортиқча баҳолаб, иккинчисини эса камситишга барҳам беради.

Ҳозирги вақтда методик адабиётларда тавсия қилиб келинаётган машқ турлари – кўчириб ёзув, ёддан ёзув, диктант турлари, ҳар хил орфографик топшириқлар ва орфографик таҳлил, шунингдек, бошқа қатор машқлардан фойдаланиш диалектизмларни бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин улардан ҳар бир мактабда ўқувчиларнинг шева хусусиятларига қараб, турли усулларда фойдаланиш керак.

Орфографик машқлардан самарали фойдаланишда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим.

- а) орфограммаларнинг осон ва қийинлиги;
- б) дарснинг мўайян (бошида, ёки охирида) вақти;
- в) дарс тури (янги билим бериш дарсими такрорлашми).

Дарсларда эшитув диктантдан фойдаланишнинг аҳамияти шундаки,

- а) ўқувчиларни эшитиш орқали ёзишга ўргатади;
- б) ўқувчиларнинг грамматик билимлар ва маъно хусусиятларига оид тушунчалари, сўзларни-тўғри ва аниқ ёза олиш малакаларини синаб кўриш имконини беради;
- в) ўқувчиларда орфография ўқитишда ва умумий таълим жараёнида аскотадиган диққат, ирода каби сифатларни вужудга келтиради ва ривожлантиради.

Эшитув диктантда:

- а) бу диктант турида баъзи орфограммаларнинг, айниқса, фонетик принцип асосида ёзиладиган орфограммаларнинг имлосини текшириш имкони йўқ;
- б) диктантни тўғри ёзишга одатланиб қолган ўқувчи, барибир мустақил равишда баён ва иншо ёзганда хатога йўл қўяди;

в) матнни айтувчининг нутқи ёзувчига маълум даражада таъсир қилади, айрим ҳолларда эса у ёки бу сўзнинг қандай ёзилишини тўғридан-тўғри айтиб беради.

Эшитув диктантидаги бундай чекланганликлардан қатъий назар, ундан диалектал шароитда муҳим педагогик приёмлардан бири сифатида- фойдаланиш мумкин.

Эшитув диктанти икки усулда қўлланилади. Биринчи усулда эшитилган нарса ҳеч ўзгаришсиз ёзилади, иккинчи усулда эса сўз айнан ёзилмасдан унинг мазмуни матнга асосланган ҳолда, эркин равишда баён этилади.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларида учрайдиган диалектизмларни бартараф қилишда бу иш турининг иккинчидан кўпроқ фойдаланиш лозим. Агар матнда ўрганилган орфограммалар кўпроқ бўлса, орфографик таҳлилни ўқиш дарси билан боғлаб ўтказиш ҳам мумкин. Масалан, ўқувчилар талаффузда ва ёзувда *б, с* товушларини *п* ва *ч* билан алмаштириб (*ботинка* эмас *патинка сочиқ* эмас *чочиқ*) айтишга одатланиб қолган бўлсалар, ўша ҳарфлар иштирок этган сўзларни қаттиқроқ ўқитиш уларнинг қандай товушлар билан ёнма-ён келганда ўзгаришга учраш сабабини тушунтириш, талаффуз ва ёзувда эҳтиёт бўлишни ўқитиш лозим. Бундай фонетик-орфографик таҳлил учун қуйидаги гаплардан фойдаланиш мумкин:

1. Мен ювингайдан кейин сочиқ билан яхшилаб артинаман. 2. Эркин сартарошга сочини олдирди. 3. Ерда сочилиб ётган пахталарни териб ол. 4. Отам том сувоққа лой қилди.

Кўрув тасаввурига асосланган машқлардан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

а) айрим ҳарф ёки сўзлар туширилиб қолдирилган матнларни кўчиртириш. Матн танланганда туширилган ҳарф ёки сўзни имло ва маъно жиҳатдан икки хил қўллаш ҳоллари ҳам бўлади: Масалан: *май, мой; чал, чол* каби.

б) ўқувчиларнинг шева талаффузи таъсирида бузиб айтадиган сўз ва терминларни бадий асарлардан ёки дарсликдан топтириб, кўчиртириш. Бундай сўзлар ўқувчиларга таниш ёки нотаниш бўлиши мумкин. Агар сўзлар янги бўлса, ўқитувчи уларни доскага ёзади. Кейин ўқувчилар уларни тўғри ўқиш устида қайта-қайта машқ қилиб, дафтарларига ёзиб оладилар. Кейинчалик шундай янги сўзлар устида машқ ўтказилганда, уларни ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида бажаришлари мумкин. Машқнинг бу туридан фойдаланишда ўқувчиларнинг луғат бойлиги ортади, сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўрганади ва шу билан бирга кўрув тасаввурлари орқали ана шу ўзлаштирилган сўзларнинг имлосини ҳам эса сақлаб қоладилар;

в) айрим холларда орфографик ўқишдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ўқувчиларнинг диққат-эътибори сўзнинг таркибидаги ҳарфларга жалб қилинади ва матн секин ёзилгандай, баъзан эса бўғинлаб ўқилади ҳамда уларни сўзнинг график шаклини эса сақлаб қолишга мажбур қилинади. Бироқ ўқиш ўқувчиларни сўзлар фақат товушларнинг механик йиғиндисидан ибрат экан деган тасаввурга олиб келмаслиги керак.

Диалектал шароитда илгари имло нуқтаи назаридан ўқувчиларга таништирилган текст асосида диктант ўтказиш ҳам яхши самара беради. Машқнинг бу тури қуйидагича ўтказилади: ўқувчиларга уй вазифаси сифати- да ёки навбатдаги ёзма иш ўтказиш олдидан маълум бир матнни имло нуқтаи назаридан ўрганиб келиш топширилади. Бунда болаларга қайси имло қоидаларига алоҳида диққат қилишни ёки шева билан адабий талаффуз ўртасидаги келишмовчиликнинг қайси томонлари ҳисобга олиниши, уқтирилиши лозим. Ёки машқнинг бошқа бир турида эса ўқувчилар ўзлари учун қийин ва ҳали ўзлаштирилмаган масалалар бўйича матн танлашлари мумкин. Ана шу матн асосида эртаси куни эшитув контрол диктанти ёки изоҳли диктант ўтказилади. Ўрганилган матн устида ана шундай ёзма машқ ўтказиш имлоси қийин сўзларнинг ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишини таъминлайди ва кейинчалик мустақил ёзиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Диалектал имло хатоларининг олдини олишда таъкидий диктантдан фойдаланиш турли хил кўринишга эгадир. Унинг энг кўп қўлланадиган ва қулай усули қуйидагичадир:

Ўқитувчи гапни ўқигач, ўқувчилардан бири уни қайтаради ва ўша гапдаги у ёки бу сўзларнинг қандай ёзилишини (сўзни ўқитувчи кўрсатади) тушунтириб беради; кейин ўқувчилар ўша гапни ёддан ёзадилар ва имлоси таъкидлаб кўрсатилган сўзнинг тагига чизадилар. Сўнгра бир ўқувчи гапни овоз чиқариб ўқийди (шева шароитида ўқитувчи ўқувчининг талаффузига эътибор бериши ва хатони тўғрилаши зарур) ҳамда қайси сўзнинг тагига чизганлигини айтади. Қолган ўқувчилар эса ёзганларини текширадилар ва хатоси бўлса тузатадилар. Баъзан эса бутун матндаги барча орфограммалар- ни хатоларнинг характерига қараб анализ қилиш ҳам мумкин.

Таъкидий диктант ўқувчиларнинг маълум орфограммалар бўйича кўриш ва эшитиш тасаввурлари орқали ҳосил қилинган малакаларини мустаҳкамлашга ҳамда ёзишда уларга онгли муносабатда бўлишни таъминлашга ёрдам беради.

Диалектал шароитда таъкидий диктантни оғзаки шаклда ўтказиш ҳам жуда муҳимдир. Оғзаки ўтказиладиган таъкидий диктант дарсида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) ўқитувчининг матни, адабий тил талаффуз нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда, секин ва аниқ қилиб ўқиши;

б) ўрганилаётган орфографик қоидаларга имло нуқтаи назаридан мос келадиган сўз ва сўз бирикмаларини ўқувчилар иштирокида матндан топиш;

в) матндан айрим сўзларни ажратиб, уларнинг нима учун шундай ёзилаётганлигини қоидалар асосида изоҳлаб тушунтириш.

Агар ўқувчилар ўқитувчи ўқиган матндан керакли сўзларни топа олмасалар ёки унинг имлосини нотўғри изоҳласалар, ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини ўша сўзларга жалб қилиб, улардан сўраши ёки имлосини тушунтириб бериши зарур.

Шева хатоларининг олдини олишда таъкидий диктантни икки усулда ўтказиш ҳам мумкин:

а) китобдан танланган матн маълум қоидалар асосида анализ қилинади ва ўқувчилардан уларни диққат билан кузатиб, ёзилишини эсда сақлашни талаб қилинади. Сўнгра ўқувчилар китобни ёпиб, сўзларни ёддан ёзадилар ва уларни китобдаги матнга қиёслаб, хатосини тўғрилайдилар;

б) ўқитувчи матнни доскага ёзади, зарур орфограммаларнинг тагига чизади ва айтиб бериш асосида ёздиреди.

Изоҳли диктант ўқувчилардан имло нуқтаи назардан олган билимлари- ни катта куч ва чидам билан онгли равишда сафарбар қилишни талаб қилади.

Шевачиликни бартараф қилишда сайланма диктантдан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Диктантнинг бу турида ўқувчи айтиб бериш асосида матннинг ҳаммасини ёзмасдан, ўрганилаётган орфографик қоидага мос сўз ва сўз бирикмаларинигина ёзади. Масалан Андижон шеваси шароитида ўқувчилар шева талаффузи таъсирида у ўрнига *и* (*мушук* эмас *мишик*, *чумчуқ* эмас *чимчиқ*) ёки *а* ўрнига *е* (*чапак* эмас *чепак*) ёзиб хатога йўл қўядилар.

Сайланма диктантда ўқувчи ана шундай ўринларни мустақил равишда топа олиши ва уларнинг имлосида шева билан тил ўртасидаги рақобатни (*чимчиқми* ёки *чумчуқми*)

тўғри хал қилиши зарур. Бунинг учун ўқувчи сўзлардаги товушларни ёки морфологик категорияларни (агар сўзнинг ёзилиши грамматик формалар билан боғлиқ бўлса) тез ва аниқ таҳлил қила олиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Хулоса

Бўлажак кадрларда чуқур ва мустаҳкам билимларни шакллантириш, миллий истиқлол ғояларига садоқатни, ватанга муҳаббатни, бу йўлда фидойиликни тарбиялашни давом эттириш ҳам олий таълимнинг вазифаларидандир.

Ўқувчиларни чет тилига ўргатишга орфографиянинг ўзига хос ўрни бор. Орфография грекча сўздан олинган бўлиб сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар, имло маъносини англатади.

Фикрни ёзма равишда баён қилишни ўргатишнинг қийинчилиги бу жараённинг психологик жиҳатдан мураккаблигидадир, оғзаки нутқ. нутқ органларини ҳаракатга келтирувчи боғланишлар ёрдамида амалга ошса, ёзувда кўриш. эшитиш ва бошқа нутқ органларини ҳаракатга келтирувчи мотор – график боғланишлар ҳам ёрдамга келади. Ёзма нутқда фикр тўла ёритилиши зарур. Агар сўзловчи оғзаки нутқда қўл ҳаракати, имо – ишора, интонатция каби бир қатор ёрдамчи воситалардан фойдалана олса, фикрни ёзма баён қилиш вақтида бундай имкониятлар бўлмайди.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси ёзма нутқнинг оғзаки нутқга нисбатан мураккаблигини кўрсатади.

Матн тузишдан аввал нимани ёзиш кераклилигини олдиндан тасаввур қилиш муҳимдир Шунинг учун ҳам ўқувчилар мавзунини пухта ўзлаштириб олишлари зарур.

Дастурдаги ёзма нутқни ривожлантиришга мўлжалланган суҳбат мавзулари бўйича олиб бориладиган ишни тахминан қуйидаги босқичларга бўлиши мумкин:

1. Босқич: Мазкур мавзу юзасидан ишланган моделлар бўйича синфда оғзаки иш олиб бориш.

2. Босқич: Шу моделларни ўзлаштириш учун уйга ёзма топшириқ бериш. (Саволларга жавоб ёзиш).

3. Босқич: Берилган мавзу юзасидан синфда оғзаки нутқ машқлари ўтказиш. (Сўзлар устида ишлаш, гаплар тузиш, саволларга жавоб бериш).

4. Босқич: Ёзма нутқни ривожлантириш учун уйга ёзма топшириқ бериш. Бунда асосан орфографияга эътибор берилади.

(Ўз оилангиз ҳақида матн тузинг). Орфографияга оид уйга берилган вазифанинг хусусиятини ўқувчиларнинг тилни қай даражада билиши ва уларнинг ёшига қараб

белгиланиши. Машқлар ўқувчиларнинг билим даражаларига мос бўлиши ва ниҳоятда содда ҳам, мураккаб ҳам бўлмаслиги. Бошланғич синф ўқувчилари ўзлари ўйлаб тўқишдан кўра эшитганларини анча ҳавас билан такрорлайдилар. Бироқ улар матннинг мазмунини ўз сўзлари билан айтиб бера олмайдилар. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчилари кўпроқ тақлид машқларини бажаришлари мақсадга мувофиқ.

Юқори синфларда эса ўқувчилар матннинг мазмунини ўз сўзлари билан баён қилиш малакаларини анча эгаллаган бўладилар. Ёзув ва фикрни ёзма равишда баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадга йўналтирилган машқларни бажаришни тақозо қилади.

Орфографияни ўргатишда барча ёзма машқларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Ёзув машқлари, фикрни ёзма равишда баён қилиш машқлари.

Ёзув машқлари ҳарфлар. сўзлар ва сўз бирикмаларининг тўғри ёзилиши ва тиниш белгиларининг ишлатилишини ўргатади. Масалан: Мазкур товушни қандай ҳарф бирикмаси орқали ифодаланишини кўрсатинг.

Керак бир товуш турли ҳарфлар билан ифода қилинадиган сўзларни матндан кўчириб ёзининг.

Берилган ҳарфни намунага қараб бир неча қатор ёзинг ва х.к. Фикрни ёзма равишда баён қилишга оид машқларни икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Тайёрлов машқлари, нутқ машқлари.

Тайёрлов машқларига матн устида ишлаганда танлаб олинган айрим моделларни ўзлаштириш учун қўлланилган иш турлари киради. Жумлани қайта тузиш, матнни қисқартириш, матнга режа тузиш ва шу каби машқлар. Матн мазмунини қайта баён қилиш тайёрлов машқлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Нутқ машқларига:

1. Баён ёзиш. 2. Иншо ёзиш. 3. Мактуб ёзиш. 4. Аннотация тузиш ва бошқалар киради.

Ўз вақтида ва изчил ўтказилиб турилган ёзма ишлар ўқувчи талабалар билимларининг пухта ва мустаҳкам бўлишига омил бўла олади, чунки лотинча мақолда “Ким ёзса, у икки марта ўқийди” деб бежиз айтилмаган. Юқорида зикр этилган фикрлар ўқитиш жараёнида нутқ фаолияти бўйича билим ва малакаларни ўстириш мақсадида ўтказиладиган турли-туман ёзма ишлар ёрдамида ўз аксини топади.

Бундан ташқари, орфографиянинг аҳамиятларидан яна бири шуки, ўқувчи-талаба билим олишда ўзларининг ёзма нутқларида ҳам муҳим эътибор берсалар билимлар улар хотирасида узоқ сақланиб қолади, демак, ўқиш-урганиш йўлида қилинган ҳар қандай ёзма иш турлари билим ва малакаларни ўстиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Манавият. 2008
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”: 1997 йил. 29 август.
3. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1997.
4. Ахмедов Н. “Диалектал шароитда орфографияни ўқитиш методикаси”. “Ўқитувчи”. Т., 1989.
5. Аликулова Д.А., Жўрабоева Д.А. “Француз тили дарслиги”. “Ўзбекистон”, Т., 1999.
6. Маллина Л.Е., Андрейчикова Л.Л., Турниёзов Ў. “Француз тили грамматикаси”. “Ўқитувчи”, Т., 1978.
7. Караева М.Х., Литочевская М.Ю. “Француз тили грамматикаси” (қўлланма). “Ўқитувчи”, Т., 1977.
8. Турниёзов Ў. ва бошқалар. “Француз тили грамматикаси”. “Ўқитувчи”, Т., 1978.
9. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И., “Ўзбек тили”. “Ўқитувчи”, Т., 1978.
10. Абдурахмонов Ғ. ва бошқалар. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. Синтаксис. “Ўқитувчи”, Т., 1979
11. Абдурахмонов Ғ. ва бошқалар. “Ўзбек тили грамматикаси”. II том. Синтаксис. “Фан” Т., 1976.
12. Жалолов. Ж. “Чет тил ўқитиш методикаси”. Т., 1996.
13. Зарипова Р.А. “Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма”. М., 1986.
14. Зиёмухаммадов Б., Тожиев М. “Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели”. “Lider Press”. Т., 2009.
15. Миньяр К.К. Белоручев. “Методика обучения французского языка”. М.,
16. Ризаев С.А. Статистическое исследование графической и фонологической систем современного узбекского языка. АКД, Ташкент, 1970.
Саттаров Т. “Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси”. Т., 2003.
17. Сайдалиев С. “Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар”. Н., 2004.

18. Серебрянников Б. А., Гаджиева Н. З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. М., 1986.
19. Тенишев Э.Р. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. Отв. ред.. М., «Наука», 1984.
20. 1990.Хошимов У., Ёкубов И. “Инглиз тили ўқитиш методикаси”. Т., 2003.
21. “Ўзбек тили грамматикаси”. Коллектив Биринчи том
22. www.ViaVichelin.fr.
23. www.iptglom.uz.
24. www.iptglom.uz.
25. www.pedagog.uz
26. www.Ziyonet.uz
27. www.edu.uz